



TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI —
O`ZBEKISTON
LIBERAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan
chiqa boshlagan

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

2015-yil 28-may, payshanba, 22 (602)-son

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ СЕУЛГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислон Каримов Корея
Республикаси Президенти Пак Кин
Хэнинг таклифига биноан 27 май
куни давлат ташрифи билан Корея
Республикасига жўнаб кетди

Олий даражадаги учрашувлар чоғида ўзаро ҳам-корликнинг кенг қўлмлли масалалари, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни изчил ривожлантириш истиқболлари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилади. Президентимиз Корея Республикаси ҳукумати ва парламенти, етакчи иқтисодий ва молия тузилмалари раҳбарлари билан ҳам учрашувлар ўтказади. Ташриф якунлари бўйича икки давлат раҳбарларининг қўшма декларацияси қабул қилиниши, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛДИ

СЕУЛ, 27 май. ЎЗА махсус мухбири
Анвар САМАДОВ хабар қилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг таклифига биноан 27 май куни давлат ташрифи билан Корея Республикасига келди. Жанубий Корея протоколига мувофиқ Ўзбекистон Президенти шарафига Сеул аэропортида икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Сеул кўчалари Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикасининг давлат байроқлари, олий мартабали меҳмонни қўловчи шior ва баннерлар билан безатилган.

Ушбу ташриф Ўзбекистон – Жанубий Кореянинг мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлари доирасида ўтмоқда. Улар давлатларимизнинг ўзаро алоқаларига доир кенг қўлмлли масалаларни муҳокама қилиш, ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаш, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ташрифининг асосий тадбирларини, жумладан, Корея Республикаси Президенти ва бошқа раҳбарлари билан расмий музокаралар, етакчи компаниялар раҳбарлари иштирокидаги учрашувларни 28-29 май кунлари ўтказиш мўлжалланган.

Аввал хабар қилинганидек, ташриф чоғида икки давлат раҳбарларининг қўшма декларацияси қабул қилиниши ва ўзаро муносабатларни 2014 йилда имзоланган Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларация руҳида мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

(ЎЗА)



ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛГА АСОСЛАНГАН МУЛОҚОТ ВА МУҲОКАМАЛАР

Бухоро вилоятида О`зLiDeP Сийёсий Кенгаши
Ижроия қўмитаси ва парламентидаги фракцияси
томонидан партия фаоллари учун икки кунлик
республика амалий семинари ўтказилди

3



Шуҳрат РАҲИМОВ оғлан суратлар

ФАРМОН МОҲИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН ВИДЕОКОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони О`zLiDeP фракцияси ва электорати томонидан чуқур ўрганилмоқда

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О`zLiDeP фракцияси томонидан ташкил этилган «Хусусий мулк улушини ошириш — иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш борасида муҳим қадам» мавзусидаги видеоконференцияда давтаввал маъкур ҳужжат мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилган бўлса, анжуманнинг иккинчи қисмида унда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш масалалари муҳокама этилди.

— Тадбиркорликка қўл урган ҳамюртларимизнинг аксарияти бизнес орқали

яхшигина даромад топиш мумкинлигини исботлаётдилар. Шу маънода мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланилаётгани бежиз эмас, — деди О`zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содирқон Турдиев. — Маълумки, собиқ иттифоқ даврида хусусий мулкнинг ўзи у ёқда турсин, унинг тушунчаси ҳам инсонлар онгидан ўчирилган, ҳатто арзимас шахсий мулки бўлганлар ҳам таъқиб қилинган, халқимиз эса ёлгон ва пуч мафкура қўрғовида қолганди. Энг ёмони, мулк халқники деб айтилса-да, аслида эгасиз эди. Оқибатда мамлакат иқтисодиёти издан чиқиб, аҳолининг турмуш тарзи ачи-

нарли аҳволга келган. Ана шундай ғоят қалтис ҳамда ўта мураккаб бир пайтда давлатимиз раҳбари Ислон Каримов юртимизнинг порлоқ келажаги, эртанги кунини айнан хусусий мулк ва хусусий тadbirkorликни ривожлантириш билан боғлади. Сўзимиз исботи сифатида ўтган асрнинг 90-йиллари бошларидаёқ мамлакатимизда «Мулкчилик тўғрисида», «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилингани, умуман олганда, иқтисодиётга оид 500 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатларининг асосий қисми тadbirkorликни ривожлантиришга қаратилганини айтиб ўтиш мумкин.

2

Сайловчилар билан юзма-юз

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан учрашувлари давомида кўтарилган масалаларни умумлаштириб бориш, асосли таклифларнинг қонун ҳужжатларида акс этишини таъминлаш барча сийёсий кучлар, жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда унинг парламентидаги фракцияси фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади

Шундан келиб чиққан ҳолда, айни кунларда депутатлар жойларда ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказмоқда. Хусусан, 118-Китоб сайлов округидан Қонунчилик палатаси депутаты этиб сайланган Қаҳрамон Эргашевнинг электорат вакиллари билан мулоқотлари юксак уюшқоқлик билан ташкил этиляпти.

— Юртбошимиз таъкидлаганидек, қонун устуворлигини таъминлаш, назария ва амалиётни уйғунлаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, иш янада такомиллаштириш бугунги куннинг талабидир, — деди Қаҳрамон Эргашев. — Шундай экан, биз ўз фаолиятимиз давомида бор билим ва тажрибани ишга солган ҳолдагина мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга муносиб ҳисса қўшсагина халқ ишончини қозона оламиз.

Варганза саноат ва хизмат кўрсатиш коллежида бўлиб ўтган, асосан тоғолди қишлоқларида истиқомат қилаётган сайловчилар ишти-

рок этган учрашувда мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш корхоналарини янада кўпайтириш, лалмикор майдонларда деҳқончиликни ривожлантириш орқали ёшларни иш билан таъминлаш, тadbirkorлик фаолиятининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқаришни модернизациялаш лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш борасидаги таклифлар ўртага ташланди.

Учрашувда сўзга чиққанлар қишлоқ жойларида ёшлар ва хотин-қизларни тadbirkorликка йўналтириш орқали уларнинг турмуш даражасини тубдан яхшилаш, банклардан имтиёзли кредит олишига кўмаклашишда партиядан сайланган депутатлар кўпроқ масъул эканликларини таъкидладилар. 105-Урганч сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутат, О`zLiDeP фракция-

си аъзоси Клара Жумамуратова ўз сайловчилари билан юзма-юз мулоқотлар чоғида мамлакатимиз ижтимоий-сийёсий ҳаётида рўй бераётган муҳим воқеалар, парламент фаолияти, қабул қилинган қонунларнинг аҳамияти, айни пайтда муҳокама қилинаётган лойиҳалар, Президентимиз томонидан яқинда имзоланган «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармоннинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Таъкидлаш жоизки, сайловчилар ўзларининг парламентидаги вакиллари билан учрашувда фаол қатнашиб, бугунги кунда турли идоралар қошида фаолият юритаётган «бир дарча» хизматлари-

нинг ўрнига туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тadbirkorлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизда «бир дарча» таъмоийли асосида тadbirkorга давлат хизматлари кўрсатиш Ягона марказлари ташкил этилиши хусусида атрофлича тушунчага эга бўлдилар. Дарҳақиқат, бундай марказларнинг ташкил этилиши нафақат мулкдорлар фаолиятини жонлантиришга, балки эндигина фаолият бошлаётган ёшлар, коллеж битирувчилари учун ҳам тadbirkorлик билан эркин шуғулланиш имконини беради.

Депутат учрашувлар пайтида сайловчилардан тушган кўплаб саволларга жавоб берди. Кўтарилган масалаларни депутатлик ваколатлари доирасида ҳал этиш учун тегишли вазифаларни белгилаб олди.

Худди шундай учрашувлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилмоқда. Уларнинг тафсилотлари ҳақида газетамизнинг кейинги сонида ахборот берамиз.

«МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН: ЮКСАЛИШ БОСҚИЧЛАРИ»

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академиясида Республика
Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда
яратилган шу номдаги мультимедиа маҳсулотини
— DVD диска жамланган ўқув қўлланманинг
тақдими бўлиб ўтди

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари, олий таълим муассасалари мутасаддилари ва бошқа иштирокчилар давтаввал мамлакатимизда мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни акс эттирган кўргазмани томоша қилган бўлсалар, тadbirkorнинг асосий қисмида академия ректори Абдужаббор Абдувахитов, марказ раҳбари Қаҳрамон Қўранбоев мультимедиа дастурининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр билдирдилар.

— Президентимиз Ислон Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ташкилий йиғилишидаги нутқиди мустабид тузумдан бизга қандай оғир, ночор мерос қолгани, халқимиз қанча азоб-ўқубатлар тортгани, афсуски, тарихчиларимиз бу ҳақда кам ёзгани, айни пайтда бошимиздан кечирган кечаги кун, яқин ўтмишимизда рўй берган фожиали воқеаларни келажак авлодлари онгу шуурига етказиш ҳақида бош қотиришимиз зарурлигини қуюниб гапиргандилар, — деди А.Абдувахитов. — Юртбошимиз тилга олган даврга оид янги тарихни ёзиш учун маълумотлар етарли. Энди уларни тизимли равишда жой-жойига қўйиш керак. Тақдими ўтказилаётган мультимедиа дастурида мамлакатимизнинг 24 йиллик мустақил тараққиёт йўли, унинг асосий ривожланиш босқичларини ўзида мужассам этган маълумотлар жамланган бўлиб, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари, маънавият тарғиботчилари, умуман олганда, кенг аҳоли қатлами учун мўлжалланган. Аҳамиятлиси, иқтисодиёт, сиёсат, саноат, транспорт, спорт каби 18 та йўналишга доир кўплаб матнлар, суратлар, видеороликлар, жадвал ва диаграммалар ушбу қўлланмадан фойдаланувчилар учун мустақиллик арафасидаги даврни истиқлол йиллари билан қиёслаш имкониятини яратган.

— Ушбу дастурдан фойдаланувчилар нафақат иқтисодий, балки ҳуқуқий ислохотлар, уларнинг самаралари билан ҳам танишишлари мумкин, — дейди академия доценти Гулноз Исмоилова. — Унда давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятига кенг ўрин берилган.

БУГУНГИ СОНДА:

2015 йил –
КЕКСАЛАРНИ
ЭЪЗОЗЛАШ
ЙИЛИ

Дастур ижроси
назоратда

4



қуйи
бўғинларда
БПТ билан
депутат
ҳамкорлигини
мустаҳкамлаш
зарурати

5



ЖАРАЁН
Устанинг
саккиз
килолик узуми

6



ҲАЁТ
ҲАҚИҚАТЛАРИ
Боланинг
бегонаси
бўлмайд

7



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 26 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича
бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий
тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан қийдаги қийматини белгилади:*)

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъкур валюталарни
ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

1 Австралия доллари	1982,32
1 Англия фунт стерлинги	3918,29
1 Дания кронаси	373,08
1 БАА дирҳами	689,45

1 АҚШ доллари	2532,34
1 Миср фунти	332,11
1 Исландия кронаси	18,83
1 Канада доллари	2060,66

1 Хитой юани	408,48
1 Россия рубли	50,86
1 Украина гривнаси	122,46
1 Малайзия ринггити	702,65

1 Польша злотийси	673,46
1 СДР	3562,83
1 Туркия лираси	973,12
1 Швейцария франки	2686,55

1 ЕВРО	2858,29
10 Жанубий Корея вонини	23,12
10 Япония иенаси	208,11

МУНОСАБАТ

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг янги тахрирдаги лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинмоқда. Бу жараёнда О`zLiDeP фракцияси аъзолари фаол иштирок этишмоқда. Уларнинг таъкидлашича, мазкур хужжат мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон бозорига интеграциялашувида муҳим аҳамиятга эга бўлган божхона назорати тизимини янада ривожлантиришга хизмат қилади

Янги кодекснинг янги имкониятлари

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Маълумки, Божхона кодекси ва «Бож тарифи тўғрисида»-ги қонунда ушбу тизимга оид қўпгина муносабатлар тартибга солинмаган. Шу боис улардаги қоидаларнинг тўлиқ амалга оширилиши учун 350 дан ортиқ қонуности норматив-ҳуқуқий хужжат қабул қилинган. Шунингдек, божхона қонунчилигини такомиллаштириш мақсадида унинг кодексига 15, «Бож тарифи тўғрисида»ги қонунга эса 14 маротаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Ана шуларни инобатга олган ҳолда, янги тахрирда таклиф этилаётган кодекс, энг аввало, божхона ишини тартибга солишни сифат жиҳатдан ўзгартиришни назарда тутади. Яъни, божхона сиёсатини шакллантиришнинг амалда синалган та-мойилларини аниқ белгилайди. Божхона расмийлаштируви жараёнларининг барча иштирокчилари ваколатларини қўл-

— КОДЕКСНИНГ ЯНГИ ТАХРИРДАГИ ЛОЙИҲАСИДА НАЗАРДА ТУТИЛАЁТГАН АСОСИЙ ПРИНЦИПИАЛ ЎЗГАРТИШЛАР ПАРТИЯМИЗ САЙЛОВЛДИ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН МАҚСАД-ВАЗИФАЛАРГА ҲАМОҲАНГЛИГИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР, — ДЕЙДИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ, О`ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ АЪЗОСИ РАСУЛ ҚУШЕРБАЕВ. — У, АВАЛО, МАМЛАКАТИМИЗДА ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИДАГИ КЎЛАМИ КЕНГАЙИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

лашда шаффофликни таъминлайди. Ўз навбатида интерактив хизматлар кўрсатилишини кўзда тутувчи замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш ҳамда юкларни божхона расмийлаштируви мuddатлари ва субъектив омилларни кескин қисқартиришнинг ҳуқуқий асосларини шакллантиради. Энг муҳими, янги кодекс тадбиркорларга ўрта мuddатли даврда бизнеснинг ривожланишини асосли башорат қилиш имкониятини берувчи божхона тизимининг барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, лойиҳада божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун божхона органларига тақдим этилади-ган ҳужжатлар сонини қисқартириш, божхона тўловларини тўлаш мuddатларини узайтириш учун топшириладиган ҳужжатларни камайтириш кўзда тутилган.

— Кодекснинг янги тахрирдаги лойиҳасида назарда тутилаётган асосий принципиал ўзгартишлар партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган мақсад-вазифаларга ҳамоҳанглиги билан аҳамиятлидир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О`zLiDeP фракцияси аъзоси Расул Қушербаев. — У, аввало, мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитининг шаклланиши, тадбиркорликнинг ташки иқтисодий фаолиятидаги кўлами кенгайишига хизмат қилади. Бу эса партия Сайловолди дастурида белгилан-ганидек, келгусида иқтисодиёт тармоқларининг экспортга йўналтирилишини кучайтириш, унинг номенклатураси ва гео-ографик майдонини қулай молиявий-иқтисодий ва божхона шартлоиларини қўллаб-қувватлаш, янги транспорт йўлакларини шакллантириш орқали кенгайтиришга ёрдам беради. Бир сўз билан айтганда, унинг қабул қилиниши ташки иқтисодий фаолиятни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча қулай шароитларни юзага келтиради.

Фракция эътиборидаги навбатдаги масала «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасидир. Таъкидлаш жоизки, мазкур қонуннинг амалдаги тахрири 1997 йилда қабул қилинган бўлиб, унга мувофиқ мамлакатимизда дори воситалари муомаласининг қонуний тартибга солиш асослари яратилган.

Бироқ ушбу хужжатда мавжуд бўлган айрим тушунчалар ҳозирда қўлланилмаяпти. Шунингдек, бугунги кунда дори воситалари ва фармацевтика фаолиятини мувофиқлаштириш борасида Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга ошириб келинаётган қатор нормалар амалдаги қонунда ўз аксини топмаган. Шу билан бирга унда халқаро амалиётда қўлланиб келинаётган айрим ҳуқуқий муносабатлар ва умумэътироф этилган принциплар ҳам ўрин олмаган.

О`zLiDeP фракцияси аъзолари партиямиз позицияси-дан келиб чиқиб, қонуннинг янги тахрирда қабул қилиниши дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласи соҳасидаги муносабатларнинг тўлақонли ҳуқуқий тартибга солинишига олиб келишни таъкидламоқдалар. Аммо мазкур ҳуқуқий хужжат айрим камчиликлардан холи эмаслигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, унда республика ҳудудига олиб кирилаётган ва реализация қилинаётган тиббий буюмлар сифатига қўйиладиган талабларни кучайтириш зарурлиги кўзга ташланмоқда. Шу боис фракция аъзолари концептуал жиҳатдан маъқулланган қонун лойиҳасини кейинги ўқишларга киритиш жараёнида қатор таклиф ва тавсияларини тайёрламоқдалар.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Шухрат ХҲЖАЕВ,
«XXI asr»

Натижада бугун ҳўжалик юритувчи субъектларнинг 90 фоиздан ортиғини кичик бизнес корхоналари ташкил этмоқда. Қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш бўйича амалга оширилган изчил чора-тадбирлар самараси ўлароқ юртимизда 2014 йил давомида 20 мингдан ортиқ, жорий йилнинг биринчи чора-тида эса 8 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти фаолият кўрсата бошлади. Президентимиз томонидан 2015 йил 15 май кuni имзоланган «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик-ни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон ҳам мамлакатимизда ушбу соҳада амалга ошири-лаётган тизимли ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чикувчи навбатдаги муҳим қадам бўлди, десак адашмиёмиз.

О`zLiDeP Сийёсий Кенга-ши Ижроия қўмитаси, барча ҳудудий тузилмалар масъул ходимлари, депутатлар, ҳам-кор ташкилотлар вакиллари, тадбиркор ва фермерлар иштирок этган тадбир даво-мида фармон ижросини таъ-минлаш мақсадида асосан жорий йилда амалга ошири-лиши белгиланган 33 та аниқ



чора-тадбирни қамраб олган комплекс дастур тасдиқлан-гани, ушбу дастур хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун мансабдор шахслар жавобгарлигини жи-ноий жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш, тадбиркорлик фаолиятини тар-тибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини ли-бераллаштириш жараёнини давом эттириш, барча тур-даги рўйхатдан ўтказиш, рух-сат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомил-ларни янада соддалашти-риш, ниҳоят, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг моддий ва кредит ресурсларидан фой-даланишини кенгайтириш, бизнес муҳитини яхшилаш каби тўртта йўналиш бўйича амалга оширилиши белгилаб олингани айтиб ўтилди.

— Партиядошларимиз

иқтисодиётни эркинлашти-ришнинг қонунчилик асо-сларини такомиллаштириш, бошқарувнинг бозор прин-циплари ва механизмлари, қўлай ишбилармонлик муҳи-тини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбир-корликни ривожлантириш йў-лидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш масалаларига эъти-бор қаратиб келмоқдалар, — деди Олий Мажлис Қо-нунчилик палатаси депутати, О`zLiDeP фракцияси аъзоси Тўлқин Каримов. — Бугунги тадбир соҳа мутахассислари ва партия фаоллари билан биргаликда парламентдаги фракциямиз томонидан олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш масала-ларини муҳокама қилиш учун қўлай майдон бўлди. Ўз на-вбатида давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган фармон парламент томо-нидан амалга оширилиши

лозим бўлган кенг миқёсли ишларни ҳам белгилаб берга-нини айтиб ўтиш лозим.

— Қурилиш материал-лари ишлаб чиқаришга их-тисослашган корхонамиз 2012 йилда ташкил этилган, — деди Хўжайли туманида-ги «Regional Industrial Invest» МЧЖ раҳбари Сулаймон Ура-зембетов. — Фаолиятимизни 31 кишилик жамоа билан бо-шлаган бўлсак, бугунги кунда ишчи-ходимларимиз сони 53 нафарга етди. Ўз олдимизга ишлаб чиқаришни кенгай-тириб, ушбу қисқартиччи 80 нафарга етказиш ниятида-миз. Бундан ташқари, банк кредити асосида ўзимиз учун янги бино барпо этиш ҳамда замонавий технология харид қилиб, махсулотимиз сифа-тини яхшилашни кўзда тут-аямиз.

Видеоконференция да-вомида, шунингдек, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига О`zLiDePдан сайланган де-

ишни режалаштираяпмиз. Президентимизнинг мазкур фармони эса лойиҳаларимиз-ни ҳаётга татбиқ этишимизни енгиллаштириши шубҳасиз. Зеро, фармонга асосан ку-рилиш объектларини рўйхат-га олиш ва қурилиш-монтаж ишларига рухсат бериш, ер майдонларини танлаш ва ажратиш бўйича материал-ларни тайёрлаш, келишиш ва тасдиқлаш тартиб-таомилла-ри оптималлаштириладиган бўлди.

— Фармонни қўлимга олиб, биринчи марта ўқиб чиққанамда ҳаёлимдан «Юрт-бошимиз уни худди биз — тадбиркорлар орасида юриб, ичимиздаги дарду хасратла-римизни билиб, ўрганиб, фа-олиятимизга мослаштириб қабул қилибдилар», деган фикр ўтди, — деди Қарши шаҳридаги «Санам» МЧЖ раҳбари Мавлуда Йўлдоше-ва. — Видеоконференцияда иштирок этиб, ўзимиз учун мазкур хужжатнинг яна бир қатор кирраларини очиша муваффақ бўлдик. Тикув це-химни ташкил этганимда 60 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаган эдим. Жорий йилда ишлаб чиқаришни ке-нгайтириб, ушбу қисқартиччи 80 нафарга етказиш ниятида-миз. Бундан ташқари, банк кредити асосида ўзимиз учун янги бино барпо этиш ҳамда замонавий технология харид қилиб, махсулотимиз сифа-тини яхшилашни кўзда тут-аямиз.

Видеоконференция да-вомида, шунингдек, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига О`zLiDePдан сайланган де-

путатлар томонидан ҳукумат дастурлари ҳамда партия-нинг Сайловолди платфор-масида белгиланган вазифа-лар ижросини таъминлаш, хусусан, янги иш ўринлари яратиш, транспорт-комму-никация, коммунал-ҳўжалик масалалари ва бошқа соҳа-лар бўйича аҳолини қийнаёт-ган муаммоларни ҳал этишга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилаётга-ни, Сийёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси қарорига мувофиқ барча ҳудудларда маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг назорат функ-циялари ҳамда партиявий вазифаларни бажаришда партия органлари ва депутат-ларнинг ўзаро ҳамкорлигига бағишланган амалий семи-нарлар ташкил этилгани таъ-кидланди.

Бундан ташқари, ҳуду-дий партия ташкилотларнинг айримлари мавжуд имкони-ятлардан тўлиқ фойдала-на олмаётгани, жумладан, баъзи депутатлар сайловчи билан мулоқотда бўлиш, пар-тия электорати фаолиятига ғов бўлаётган тўсиқларни бартараф этиш, депутатлик гуруҳи аъзоси сифатида ис-тиқболли лойиҳалар ижроси устидан назоратни кучайти-риш, сессияларга масала ва таклифларни киритиш, БПТ-лар фаолиятини такомил-лаштириш, партияга қабул қилинаётган аъзолар сифат таркибини яхшилаш, мулоқот форумларини ташкил этиш борасида лоқайдликка йўл қўётгани, ҳисобот матери-алларини топширишга юзаки ёндашилаётгани хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди.

Хусусий мулкнинг ишончли ҳимояси ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИДИР



Адхам ШОДМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
О`zLiDeP фракцияси аъзоси

Мустақиллик йиллари-да мамлакатимизда иқтисо-диётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойи-ллари ва механизмлари қабул қилиниши мамлакатимизда хусусий мулк мавқеини оши-риш ҳамда уни ишончли ҳи-моя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни фаоли-ятини янада ривожлантириш-ни таъминлаб берувчи кучли ҳуқуқий-меъёрий база ярати-лаётганидан дарак беради. Лойиҳада амалга оширилаёт-ган тизимли чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички махсулотдаги улу-ши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56 фоизга етган-ни, иш билан банд аҳолининг 77 фоизи шу секторда меҳнат қилаётганини кўрмоқдамиз.

Жорий йил 15 майда Президентимиз томонидан имзоланган «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тад-биркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўли-да қатор ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар қабул қилингани ҳам фикримиз далилидир. Натижада қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, савдо-сотиқ, хизмат кўрсатиш, турар-жой фонди каби соҳалар деярли хусу-сийлаштирилиб, қатор соҳа-ларда давлат улуши кескин қисқартирилди.

Кейинги уч йилнинг ўзи-даёқ «Хусусий мулкни ҳи-моя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қа-фолатлари тўғрисида (янги тахрирда)», «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат

тугатиш, иқтисодиётда дав-лат улушини камайтириш, хусусий мулкнинг ялпи ички махсулотда, жумладан, хо-риж сармоясини иштирокида-ги ҳиссасини изчил ошириш учун янада қўлай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Бундан ташқари, фар-монга мувофиқ қабул қилин-ган чора-тадбирлар Дастури хусусий мулк дахлсизлигини ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши йўли-даги тўсиқларни бартараф этишни кўзда тутаетгани электрон электратимиз томонидан қизғин кутиб олинди.

Қайд этиш жоизки, ушбу хужжат тадбиркорлик фаоли-ятига ноқонуний аралашниш ва тўсиқчилик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқини буз-ганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг ман-сабдор шахслари жавобгар-лигини жинорий жавобгар-ликка тортиш даражасигача ошириш, хусусий мулкни ҳи-моя қилиш қафолатини ку-чайтириш, тадбиркорлик фа-олиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонун-чилигини либераллаштириш, ўз навбатида, мулкдорлар синфи томонидан тайёрлан-ган маҳаллий махсулотларни янги бозорларга олиб чиқиш ҳамда иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Хўжалик судларига назо-рат қилувчи органнинг шикоят қилинган ҳаракати (қаро-ри) ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи берилиши, шунин-гдек, даъво аризасини қўриб қишига қабул қилиш ва ишни

суд муҳокамасига тайёрлаш мuddати қисқартирилиши ишбилармонлар манфаатла-рини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Дастурда барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш, лицензиялаш тартиб-та-омилларини соддалаштириш, турли давлат хизматларидан фойдаланишни кенгайти-риш борасида комплекс чора-тадбирлар қабул қилини-ши натижасида тадбиркорлик субъектларининг ортиқча оворагарчиликларига йўл қўйилмаслиги, инсон омили билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тад-биркорлик субъектлари бир-ламчи эътиёждаги товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича давлат харидларни махсус ахборот портали воситасида ўтказиладиган электрон савдо орқали амалга оширишлари кўзда тутилмоқда. Эндиликда интерфаол давлат хизматлари Ягона порталига интеграция қилинган интернет тармоғида автоматлаштирилган тадбир-корлик субъектларини давлат қўйишга олиш ва ҳисоба қилиш тизими орқали 24 соат узлуксиз амалга оширилади.

Шу билан бирга, тадбир-корлик субъектлари томо-нидан зарур хужжатларни тақдим этиш асосида давлат архитектура-қурилиш назо-рати худудий инспекциялари томонидан қурилиш объектла-рини рўйхатга олиш ва қури-лиш-монтаж ишларига рухсат беришнинг билдириш тарти-биди жорий этиш, ер майдон-ларини танлаш ва ажратиш бўйича материалларни тайёр-лаш, келишиш ва тасдиқлаш тартиб-таомилларини мuddат-ларини оптималлаштириш ва

янада соддалаштириш назар-да тутилмоқда. Хўжалик юритувчи субъект-лар фаолиятини текширишни янада тартибга солиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятига тўсиқчилик қилганлик ёки ноқо-нуний аралашганлик, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бу-зганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг жавобгарлиги оширилгани ниҳоятда муҳим аҳамият касб этишини таъки-длаш жоиз. Жумладан, 2015 йилнинг 1 июлидан режал и текширувлар ўтказишнинг ягона тартиби ва даврийлиги жорий этилаётгани микрофир-малар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликларни фаоли-яти бўйича барча текширувлар режал и асосда тўрт йилда бир мартадан кўп бўлмаган, бошқа хўжалик субъектларини текши-риш уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган ва фақат Ўзбе-кистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи респу-блика кенгаши қарори билан амалга оширилиши белгилан-моқда. Молиявий-ҳўжалик фа-олияти билан боғлиқ бўлмаган режал и текширувларни асо-лга ошириш мuddати эса 30 календарь кунидан 10 кунгача қисқартирилмоқда.

Тадбиркорлар эътибо-рини, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектлар мо-лиявий-ҳўжалик фаолияти бўйича текширув ва тафтиш ўтказиш тартиби, давлат хизматлари кўрсатиш тар-тибини бузганлик, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақлари бўйи-ча амалиётларини ноқонуний тўхтатиб қўйганлик, мавжуд

янада соддалаштириш назар-да тутилмоқда.

Хўжалик юритувчи субъект-лар фаолиятини текширишни янада тартибга солиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятига тўсиқчилик қилганлик ёки ноқо-нуний аралашганлик, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бу-зганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг жавобгарлиги оширилгани ниҳоятда муҳим аҳамият касб этишини таъки-длаш жоиз. Жумладан, 2015 йилнинг 1 июлидан режал и текширувлар ўтказишнинг ягона тартиби ва даврийлиги жорий этилаётгани микрофир-малар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликларни фаоли-яти бўйича барча текширувлар режал и асосда тўрт йилда бир мартадан кўп бўлмаган, бошқа хўжалик субъектларини текши-риш уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган ва фақат Ўзбе-кистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи респу-блика кенгаши қарори билан амалга оширилиши белгилан-моқда. Молиявий-ҳўжалик фа-олияти билан боғлиқ бўлмаган режал и текширувларни асо-лга ошириш мuddати эса 30 календарь кунидан 10 кунгача қисқартирилмоқда.

Тадбиркорлар эътибо-рини, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектлар мо-лиявий-ҳўжалик фаолияти бўйича текширув ва тафтиш ўтказиш тартиби, давлат хизматлари кўрсатиш тар-тибини бузганлик, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақлари бўйи-ча амалиётларини ноқонуний тўхтатиб қўйганлик, мавжуд

пул маблағлари тўғрисида ах-боротни асоссиз равишда та-лаб қилганлик, уларни хайрия ишлари ва пул маблағлари ажратиш билан боғлиқ бо-шқа тадбирларга мажбурий жалб қилганлик ва бошқа ҳаракатлар учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги-ни кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқи-лиши белгилангани алоҳида жалб этиди.

Бундан ташқари, тадбир-корлик субъектларига теги-шли бўлган бинолар ва бошқа иншоотларни шу мулкнинг бо-зор қийматини қопламасдан бузиб ташлаганлик учун маъмурий, назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органлари-нинг тадбиркорлик фаолияти эркинлигини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликни кўп маротаба бузган мансабдор шахсларга нисбатан жинорий жавобгарлик қоралари қўлла-нилиши кўзда тутилаётди.

Мухтасар айтганда, фар-мон ижросини таъминлаш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ри-вожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш, бизнес муҳитини яхшилаш, мамлакатимиз иқтисоди-ётга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, янги иш ўринлари яра-тиш, пироваддида халқимиз фаровонлигини юксалтириш имконини беради. Соҳага оид ҳуқуқий базанинг такомил-лаштирилиши эса давлати-мизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти таянчи ҳисоблан-ган мулкдорларнинг кенг қат-ламлари шаклланишига хиз-мат қилади.

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛГА АСОСЛАНГАН МУЛОҚОТ ВА МУҲОКАМАЛАР

БУХОРО ВИЛОЯТИДА О‘ZLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ВА ПАРЛАМЕНТДАГИ ФРАКЦИЯСИ ТОМОНИДАН
ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ УЧУН ИККИ КУНЛИК РЕСПУБЛИКА АМАЛИЙ СЕМИНАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Маълумки, 2014 йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига, шу йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўтказилган сайловлар якунлари Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига аҳоли ишончи юқори эканлигини кўрсатиш баробарида мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти учун зиммамиздаги жавобгарлик ва масъулият юқини ҳам сезиларли равишда оширди.

Шундай бир шароитда О‘zLiDeP тизимидаги ҳар бир тузилма олдида ўзига бириктирилган йўналишдаги ишлар самарасини яна бир бор танқидий таҳлил қилиб, зарур ҳолларда мутлақо янгича асосда қайта кўриб чиқиш талаб этилади, албатта. Бу борада эса ҳудудий кенгашларда тўпланган ижобий тажрибаларни чуқур ўрганиш, партиявий кўрсатмаларни талаб даражасида бажарётган бўлимлар фаолияти билан бошқа вилоятлардаги маслақдошларни таништириб бориш тизимини йўлга қўйиш долзарб аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас. Демак, ҳудудий партия ташкилотлари ўртасида узаро тажриба алмашинувини назарда тутувчи янги тизим О‘zLiDeP фаолларига ўз ҳамкасблари билан бевосита жойига чиққан ҳолда фикр алмашиш, муайян натижалар мисолида партиявий фаолиятнинг самарали усулларини ўрганиш учун кенг имконият яратди.

Янгича ёндашувдаги муҳим жараённинг дастлабки тадбири нима учун айнан Бухоро вилоятида ташкил этилди, деган савол туғилиши табиий. Боиси ушбу ҳудудий кенгаш фаолиятида кейинги йиллар давомида партия Устави ва Дастуридан келиб чиққан ҳолда туман-шаҳар ташкилотлари саъй-ҳаракатини мувофиқлаштириш, О‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорларини ўз вақтида сифатли бажариш юзасидан тизимли ишларни йўлга қўйиш, аҳоли турли қатламлари, энг аввало, электорат асоси бўлмиш тадбиркорлар ва фермерлар манфаатларини ҳимоя қилиш, аёллар ва ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини кучайтириш, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид муҳим масалаларни ҳал қилишда бошланғич ташкилотлар ва депутатлик корпуси имкониятларидан унумли фойдаланиш борасида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда.

Бу фикрларни бевосита семинар очилишида иштирок этган Бухоро вилоят ҳокими, Олий Мажлиси Сенати аъзоси Мухаммад Эсанов, О‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Бахтиёр Якубов алоҳида таъкидлашди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан вакиллар жамланган тадбир доирасида икки кун давом этган мулоқот ва тақдимотларни кузатар эканмиз, юқоридagi фикрлар ўзига хос асосга эга эканига ишонч ҳосил қилдик.

РАИС ТАҚДИМОТИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЛҚИНИ

Ҳар бир дақиқа ғанимат. Семинар доирасидаги мулоқотларни уюштиришда ана шу машур иборадagi ишорага риоя қилинди. Зеро, нафақат Бухоро шаҳрида, балки туманлар кесимида ташкил этилган ўнга яқин тадбир иштирокчилари улардан имкон қадар кенгрок маълумот олиши, ўз фаолияти билан таққослаши ва фикр алмашиши асосий мақсад эди. Шунинг учун ҳам О‘zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши раиси Фармон Аминов мезбонлар томонидан тайёрланган тақди-



мотларнинг бир нечасини замонавий технологиялардан фойдаланиб умумлаштирган ҳолда меҳмонларга намоиш этди.

Унинг маълум қилишича, ҳозирги пайтда ҳудудда ўз сафига жами 12026 нафар аъзони бирлаштирган 535 та БПТ фаолият кўрсатапти. Партия кўйи бўйинлари билан ишлашда тажрибада синалганлари билан бирга янги иш усуллари ҳам кенг қўлланилмоқда. Халқ депутатлари вилоят кенгашида О‘zLiDePдан сайланган 20 нафар, шаҳар ва туман кенгашларида эса 142 нафар депутат фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллий кенгашлар депутатларининг БПТларга бириктириб қўйилгани ҳудудларда мавжуд муаммоларни ўз вақтида ечиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилаётган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда муҳим омил бўлаётир. Долзарб масалаларнинг дастлаб БПТ йиғилишлари, сўнгра туман (шаҳар) ва вилоят кенгашларида кўриб чиқилиб, О‘zLiDeP депутатлик гуруҳларида муҳокама этилган ҳолда маҳаллий кенгашлар сессиялари кун тартибига киритилаётганлиги амалий натижалар бермоқда.

Агар 2010 йилда вилоят бўйича жами 397 та кўйи бўгин фаолият олиб борган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 535 тага етган. Шунингдек, 2010 йилда партияга 119 нафар янги аъзо қабул қилинган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 3176 нафарни ташкил қилган. Жорий 2015 йилнинг ўтган даври мобайнида эса партия сафлари 700 нафар янги аъзо билан тўлдирилган.

Партия электоратининг асосий қисmini хусусий сектор вакиллари ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда иш олиб борилаётганлиги туфайли кейинги йилларда уларни О‘zLiDeP сафига жалб этишда ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. Жумладан, вилоят партия ташкилотига хусусий сек-



тор вакиллари бугунги кунда 51,4 фоизни ташкил этапти.

Мавжуд БПТларнинг 177 тасига аёллар, 81 тасига навоқирон авлод вакиллари, 47 тасига эса халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари етакчилик қилишапти. Ҳудудда фаолият кўрсатаётган 4098 та фермер хўжалигининг 389 тасига О‘zLiDeP аъзоси бошчилик қилаяпти. Бугунги кунда вилоятдаги жами партия аъзоларининг 47,8 фоизи аёллардан иборат.

Ҳудудий партия кенгаши раиси ўз тақдимотида О‘zLiDeP электорати вакилларини ўйлантириб келаётган масалаларни ўрганиш ва уларнинг ечимини топиш, дастурий мақсад ва вазифаларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича олиб борилаётган ишлар бўйича ҳам баътафсил маълумот берди. Ҳар қандай ташаббуснинг қўйида чиқиши нақадар катта аҳамият касб этиши хусусида семинар иштирокчилари билан очик мулоқотга киришди. Ана шу суҳбат пировардида фикр алмашув тарзидаги мунозараларга айланди. Меҳмонлар бухоролик маслақдошларимиз партиявий лойиҳаларга иқидий ёндашаётгани ютуқлар омили бўлганини эътироф этишди.

Танқидий таҳлилга асосланган мулоқот ва муҳокамалар О‘zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши биносига ижроия аппарат ходимларининг фаолияти ва уларга яратилган шароитлар чоғида ҳам қизиган давом эттирилди. Бу ерда, шунингдек, депутатлик сўрови ва эшитиш каби институтлардан фойдаланиш амалиёти, вилоятда амалга оширилаётган лойиҳаларга бириктирилган депутатларнинг ўз ишлари юзасидан тақдимотлари ҳам ўтказилди.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ – БИРЛАМЧИ

Таъкидлаш жоизки, янги қақирқ халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги О‘zLiDeP депутатлик гуруҳлари томонидан амалдаги қонунлар, давлат дастурлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан депутатлик назоратини олиб боришнинг самарали ва таъсирчан усулларида унумли фойдаланилмоқда.

Партия электоратини ўйлантираётган масалаларни ҳал этишда ижро ҳокимияти идоралари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш, энг муҳим масалаларни сессиялар муҳокамасига киритиш борасидаги О‘zLiDeP депутатлик гуруҳларининг тажрибаси бошқа сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари томонидан ўрганилаётгани ҳам сир эмас.

Агар буни Бухоро вилояти мисолида кўрадикан бўлсак, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари, энг аввало, ишни режалаш ташкил этишга эътибор бераётгани ойдинлашди. Ҳудуд иқтисодиётининг ҳал қилувчи кучига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни янада ривожлантириш, бу йўлдаги тўсқин ва ғовларни бартараф этишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда депутатлик назорати институтларидан самарали фойдаланишга доир ишлар аниқ режага киритилгани ҳам шундан.

Биргина 2015 йилнинг биринчи чорагида ҳудуддаги депутатлик гуруҳлари томонидан 6 та назорат-таҳлил фаолияти амалга оширилгани, 12 та эшитув ўтказилгани, 32 та депутатлик сўрови юборилиб, асослангиларни тушутириш ва маълумотлар олинганлиги юқоридаги фикрларимизни тасдиқлаши мумкин.

Энг асосийси, олиб борилган депутатлик назорати якунлари асосида мавжуд муаммолар ечимига доир депутатлик гуруҳларимизнинг аниқ позициясини ифода этадиган амалий тақлифлар ишлаб чиқилиб, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига киритилмоқда.

– Бу жиҳатлар ҳақида сўз юритганда, истиқболли лойиҳалар муваффақиятини таъминлаш мақсадида маҳаллий кенгашлардаги депутатларнинг мазкур лойиҳаларни ижроси назоратига бириктириб қўйилгани яхши самара бераётганини айтиб ўтиш лозим, – дейди халқ депутатлари Ёғжудов туман кенгашидаги О‘zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Ёғжудов Шамсиева. – Масалан, мен ҳудуддаги 5 та лойиҳага масъулман. Бу кўрсаткични вилоят кесимида оладиган бўлсак, 1383 та лойиҳа 142 нафар депутатга бириктирилганини кўришимиз мумкин. Самара ҳам ёмон эмас. Хусусан, йилнинг биринчи чорагида мазкур лойиҳаларнинг 138 таси тўлиқ нихоясига етказилиши натижасида 1231 та янги иш ўрни яратилди.

ТАЪСИРЧАН ТАДБИРНИНГ АМАЛИЙ КЎРИНИШИ

Семинар ташкилотчилари қилинган ишларнинг таҳлилий тақдимотлари билан кечаниб қолмагани эътиборга лойик, Бухоро муҳандислик ва технология институтига

Президентимизнинг яқинда имзоланган «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг мазмун-моҳиятини электоратга етказиш мақсадида айнан семинарнинг биринчи кунини уюштирилган давра суҳбати ҳам фикримиз далилидир.

Унга Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О‘zLiDeP фракцияси аъзоси Шухрат Бафоев, вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи Музаффар Пардаевнинг тақлиф этилган тадбиркорларнинг ушбу фармон шарофати билан киритилаётган ўзгаришларга оид қўллаб қаволларига шу ернинг ўзида жавоб олиш имконини яратди. Семинар иштирокчилари бундай ёндашувга таъсирчан тадбирнинг амалий кўриниши, дея баҳо беришди. Чунки ана шу мулоқот Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Ливадия–Бухара» хусусий корхонаси билан танишув чоғида ҳам норасмий шаклда давом эттирилди.

Бугунги кунга келиб мазкур корхона мева ва сабзавот етиштириш билан шуғулланувчи фермерларнинг яқин кўмакчисига айланган. Корхонада тайёрланаётган мева ва сабзавот қуритгичларида қайта ишланган маҳсулотлар табиий хусусиятини сақлаб қолади. Бу эса қишлоқ мулкдорларига маъқул тушмоқда. Айни пайтда корхонанинг ўзида ҳам мева-сабзавотлар қуритилиб, сифатли қадоклаш йўлга қўйилган. Бундай маҳсулотларга нафақат ички, балки ташқи бозорда талаб-эҳтиёж кам эмас. Жорий йилнинг дастлабки ойларида Қозғистон, Россия ва Исроилга жами 150 минг АҚШ доллари миқдорда маҳсулот экспорт қилинганлиги бунинг исботидир. Зотан, Президент соврини учун ўтказиб келинаётган анъанавий «Ташаббус» кўрик-танловининг бу йилги вилоят босқичида «Ливадия–Бухоро» хусусий корхонаси раҳбари, О‘zLiDeP аъзоси Илҳом Сайфиевнинг «Энг яхши тадбиркор» номинациясида ғолиб деб топилгани ҳам беҳиз эмас.

Партия фаоллари Ёғжудов туман марказида фаолият кўрсатаётган «Ёғжудов Машхураси» хусусий корхонаси ҳамда Бухоро халқаро аэропорти бошланғич партия ташкилотлари, О‘zLiDeP Ёғжудов туман кенгаши, «Қул-ул устозда» оливалли корхонаси ҳамда ҳудуддаги кўп тармоқли «Шукур Тўхта» фермер хўжалиги иш фаолияти билан ҳам яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар. Семинар иштирокчиларининг айнан мазкур субъектларга ташир буюргани беҳиз эмас, албатта. Чунки уларда хайрихоҳларимиз кўпчиликини ташкил этиши баробарида БПТлар фаолияти намунали йўлга қўйилган. Қўйи бўгинлар ташаббуслари эса маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари фаолиятининг ўзагини ташкил этмоқда.

Тадбир қатнашчилари мустиқиллик йилларида вилоятда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, хусусан, «Кўҳна ва боқий Бухоро» жамъуаси, яқинда фойдаланишга топширилган Фавворалар майдонини бориб кўрдилар. Замонавий ва миллий меъморчилик анъаналарини уйғунлаштирган ушбу объектлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

ИШТИРОКЧИЛАР ИНТЕРВЬЮЛАРИДАН

Бахтиёр МЕНГЛИЕВ, О‘zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари:

– Очиғини айтганда бўлсам, бу галги тадбиримиз расмийликдан холи ўтгани менда катта таассурот қолдирди. Чунки илгари номи амалий семинар бўлгани билан узундан-узок маърузалар ўқиладиган тадбирларда кўп қатнашганимиз. Шу маънода айта оламаники, бухоролик ҳамкасбларимиз семинарга жиддий тайёргарлик кўришибди. Уларнинг тажрибаси, қўллаётган иш услубларини ўзимизнинг фаолиятимиз билан амалда таққослаб кўриш имконияти яратилгани мазкур мулоқот ва муҳокамаларнинг асосини ташкил қилди, десак муболаға бўлмайди. Бухорода партиявий-ташқилий, тарғибот-ташвиқот ишларини тўғри йўлга қўйишда яхшигина тажриба тўпланганлиги шундоққина кўриниб турибди.

Яшин ДУШАНОВ, О‘zLiDeP Навоий вилоят кенгаши раиси:

– Кўҳна ва боқийлиги, азиз авлиёлари билан донг тарратган Бухорои Шарифда икки кун давом этган амалий семинаримизда юксак партиявий руҳ ҳукмронлик қилганини қайд этишни истардим. Мулоқотлар чоғида билдирилган фикр-мулоҳазалар, тақлиф ва тавсиялар мазмун-моҳиятига кўра эндиғи фаолиятимизда муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

Семинар давомида биз Бухоро вилоят кенгаши мисолида партия тизимида амалга оширилаётган ишларни яна бир бор таҳлил қилиш орқали тўпланган ижобий тажрибаларни оммалаштириш билан боғлиқ жиҳатларга жиддий эътибор қаратдик. Масалан, ҳамкасблар билан Навоийга қайтганимиздан сўнг худди шу тадбирни барча туман ва шаҳарлардаги фаолларимизни тақлиф қилган ҳолда ўтказишга келишиб олдик. Албатта, бунинг учун муайян вақт астойдил тайёргарлик кўраимизки, токи бу тадбир «тадбир» учун ўтказилмасин. Аксинча, унинг таъсири, яъни янгича асосда ишлашга интилиш тизими қўйи бўгинларгача етиб борсин.

Илҳом БОТИРОВ, О‘zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари:

– Ҳаммамизга яхши маълумки, партиямиз электоратининг салмоқли қисmini қишлоқ мулкдорлари ташкил этади. Уларга яқиндан ёрдам бериш ва манфаатларини ҳимоя қилиш сафдошларимизнинг устувор вазифаларидан саналади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Бухородаги ҳамкасбларимизнинг фермер хўжаликлари билан ишлашдаги ўзига хос ёндашувларини муносиб баҳолаш жоиз. Биз буни Ёғжудов туманидаги «Шукур Тўхта» фермер хўжалигида ташкил этилган О‘zLiDeP бошланғич ташкилоти фаолияти мисолида ҳам кўрдик. Айниқса, БПТ хонасининг қандай жиҳозлангани, қўйи бўгин ташаббусларини рўёбга чиқаришда бу ерда қандай шароит яратилганини обдон кузатдим. Самарқанддагилар билан қиёсладим. Хулосам шу бўлдики, пахта ва галладан юқори ҳосил олаётган, гўшт ва сут етиштиришда йилдан-йилга юқори натижаларни қўлга қиритаётган, О‘zLiDeP аъзоси Шукур Тўхтаев бошқарётган ушбу кўп тармоқли хўжаликдаги партиявий фаолият ҳам республикамиз миқёсида оммалаштиришга арзигулиқдир.



ДАСТЛАБКИ ХУЛОСА ВА ГАЛДАГИ РЕЖА

Журналистларга тақдим этилган маълумотларга кўра, ҳозирда мамлакатимизнинг 14 та ҳудуди, 182 та туман ва шаҳарларидаги маҳаллий кенгашларда О‘zLiDeP депутатлик гуруҳлари тузилган бўлиб, уларда 2113 нафар вакилимиз жамланган.

Семинарнинг якуний қисмида сўз олган О‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Бахтиёр Якубовнинг фикрича, айни пайтда депутатлик гуруҳлари фаолиятини замонавий талабларни инобатга олган ҳолда тубдан яхшилаш, уларнинг назорат фаолияти сифатини ошириш, муҳим партиявий вазифаларни бажаришда БПТ, ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари билан узвий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, қонун ижодкорлиги ишида фаол қатнашишларини таъминлаш мақсад қилиб қўйилган экан, уларнинг кундалик фаолиятини ҳолисона баҳолаб, кўзга ташланадиган камчилик ва нуқсонлар устида жиддий ишлаш зарур. Зеро, йўл қўйилган хатоларни тан олмасдан уларни бартараф этиш жуда қийин кечади.

Икки кун давом этган семинаримиз партия Устави ва Дастури, Сайловолди платформамиздан келиб чиққан ҳолда туман ва шаҳар кенгашлари фаолиятини бугунги кун талабларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш, О‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорларини бажариш, шунингдек, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид муҳим ҳаётий вазифаларни амалга ошириш борасида бошланғич партия ташкилотлари ва депутатлик корпуси имкониятларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйишда муҳим дастак вазифасини ўтайди, деб айтишга асосларимиз етарли бўлди, деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, янгича ёндашув асосида жорий қилинган ушбу механизм партиянинг барча тузилмалари фаолиятини қайта кўриб чиқиш, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишни тақозо қилади ва партия фаолларини янги ташаббуслар сари ундайди. Энди эскича яшаб, эскича фикрлаб бўлмаслиги билан боғлиқ таъйинимизнинг мантйқий давоми сифатида намоён бўлади.

Мазкур семинар доирасида фикрлашилган, ўртоқлашилган тажрибалар, ўртага ташланган муаммолар ҳудудий кенгашлар иш фаолиятида туб бурилиш ясаш, БПТларнинг ўрни ва нуфузини ошириш, уларни партиянинг олий мақсадлари йўлида янада жипсрок бирилашиб, фидойилик ва ташаббускорлик намуналарини кўрсатишга чорлайди.

Айнан шунинг учун ҳам бу галги тадбирнинг мантйқий давоми сифатида жорий йилнинг июнь ойида иш фаолиятини намунали ташкил этган туман ёки шаҳар партия ташкилотига тажриба алмашиш мақсадида фаоллар иштирокида ҳудудий-амалий семинарлар ташкил этилиши мақсадга мувофиқлиги алоҳида таъкидланди. Демак, уларнинг тафсилотлари ва аҳамияти ҳақидаги мақолаларимиз ҳам давом этади.

**Озод РАЖАБОВ,
Асхор ИСТАМОВ,
«XXI asr»**

2015 йил — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Қариси бор уйнинг париси бор. Бу ҳикматли ибора Амударё тумани, унинг обод ва кўркам бўлаги ҳисобланган «Хитой» овул фуқаролар йиғинидаги юзлаб оилалар қатори Холменовларнинг бахту баракали хонадонига ҳам тааллуқлидир

БОБОЛАРНИНГ БИЛГАНИ БИЛГАН

Янгибой КЎЧҚОРОВ,

«XXI asr»

Икки аср олдин бу ерда Сафо бўёқчининг олдига тушадиган мохир хунарманд бўлган эмас. У матога бўёқ билан гул мухрлашдан ташқари кураги ҳеч қачон ерга тегмаган полвон эди. Кауфман келишидан бир йил олдин Қўнғиротда минг қўйли бойнинг тўйида совринга туя ютиб олган. Нортуя кўз очиб юмғунча шигил мевага кирган кўчатларни еб қўйган, полвон жониворни Қипқоқ бозорига олиб чиқиб, сотади. Ақчани санаб олаётганида ҳорғин харидордан «Қайдин бўлурсен?» деб сўрайди. «Тахтақўпирнинг Бўршито-виданман. Қоратеран деган қўлни эшитганинг борми?». «Эшитганман. Балиғи ёгли, дейдилар!» «Жўлинг тушса, Жиемурат қўлдовлини изла. Ўша мен бўламан. Салмоғи сендек келадиган лаққа ушлаб қўяман. Бир ҳафта жатиб жейсан...

Дарвоқе, дарё ёқасида, оташ қумлар этагида яшаган бу жабрдийда элнинг қуюқ гўжа ичган хушнуд дамлари ҳам, пиёздан бошқа ҳеч вақо-си йўқ ёвғонни тополмай қолган қийин кунлари ҳам бўлган. 1911 йилги қуроқчилик эса баттар элнинг силласини қуритади. Икки-уч йилдан кейин дарёга мўл-кўл сув келади-ю, бир ёқдан оқ подшонинг мардикор деган машъум топиш-риғи, иккинчи ёқдан бешафқат ёвмут босқини, учинчи ёқдан пихини ёрган «большевои» чиқади. Ур-йиқит, талон-та-лашлар боис Шовоту Шоब्бо-здан, Боготу Бўёқчидан бара-ка қочади.

Бу вақтга келиб ёшини яшаган, гоҳ тотли, гоҳ нордон ошини ошаган Сафо бўёқчи ҳам қариган эди. Ноёб касбу корини қўлидан абжир ўғли Холмен олади. Холмендан Бекманбой, Қўрбонбой, Ян-гибой, Қўрбонниёз, Бибижон туғилади. Беш фарзанд беш сўқмоқдан бахт бекатларига отланади. Бирининг сўқмоғи боғларга, бириники тоғларга, бириники бўлоқларга, бири-ники саҳрога, бириники дарё соҳилига етаклайди. 1930 йилнинг оқ жўхори пишиғида туғилган Қўрбонбой Холме-нов ҳам эл билан бир ариқдан сув ичди, бир хаводан нафас олди, аччиқни ҳам, чучуқни ҳам эл билан бирга тоқди.

Айни кунда у сулоланинг кўнгли кенг каттаси. Дониш-манд кекса саксон беш баҳор-ни қаршилаган дамлари, яъни 2015 йилнинг кўкламида суло-ласига мансуб оға-ини, ака-у-ка, опа-сингил, фарзанд не-вараларини чорлаб сумалак қилинатириди. Сумалак учун уч марта ювилган бугдойни аввал тоза докага ўраб, бир кеча бир кундуз тоғорадаги илқи сувга солиб қўйдилар.

Дон озгина бўртгач, ёруғ туш-майдиган ҳужрадаги катта хонтахта устига ёйишди. Ҳар куни уч маҳал илқ сув сепиб турдилар. Тўртинчи куни дон-лар минг-минг сонли илгалар-дек аён ниш урди. Бешинчи куни майсани оппоқ томирла-ри билан гўшт майдалағич-дан ўтказдилар. Сузилган сут шаклидаги суюқлиқни дошқо-

зонга солдилар. Ҳар бир кило дон ҳисобига уч килограм-мдан оқ ун қўшиб, бир кеча бир кундуз қайнатишди. Овул аёллари қозон атрофини ай-лалиб, қўшиқ айтишди.

Сумалак шу қадар ширин бўлдики, болдан асло фарқи йўқ. Уни бутун Бўёқчи аҳли баҳам кўрди. Шу куни айнан бедор кўнгилли бобонинг топ-шириғига кўра кўпчилик учун буламик пиширишди.

— Нега бундай қиялпсиз? — жиғибйирон бўлди қизи Аноргул. — Уйда қоп-қоп «Авангард» нав гуруч турса, ҳамма нарса етарли, қозон ҳам, чўмич ҳам мой бўлса. Буламик пишириб уятга қол-маймизми?

— Ҳеч қандай уятга қол-майсан, қўзим, — деди бобо сийрак қозоқлини силаб мий-иғида куларкан. — Мана, ба-рака топсин, давлатимиз раҳ-бари 2015 йилни Кексаларни эъёозлаш йили деб эълон қилди. Агар сен мени эъзо-злайдиган бўлсанг, буламикни мазали қилиб пишир, юзига қалин қилиб сариеғ сур!

— Бўпти, ота. Сариеғни буламикнинг юзига сиз айтга-нингиздан ҳам қалинроқ сура-ман. Сомсанинг тўрт турини ёппмиз. Лекин буламикнинг боисини билсак, зарар қил-масди. Онажоним раҳмат-лик «Отаннинг қилиқларини англаб олиш учун Қубатовга пиёда бориб келиш керак!» дерди. Нима қилай, ё манов жердаги Жумуртовга пиёда бориб келайинми?

— Қубатовга-қу, борол-майсан. Лекин Жумуртовга пиёда бориб келсанг ёмон бўлмас эди. Пиёда юриш соғлиқ учун фойдали. Сиз-лар эса дўконинг жойлаш-ган йўлнинг нарига ёғига ҳам «Дамасда» ўтасизлар. Мана, бизнинг авлодни айтса бўла-ди жисмоний меҳнат билан шугулланган деб. Раҳматлик Аширбой билан тонги тўрт-да туриб, тўриқ отга беда ўрардик. Бешда аравани қў-шиб тракторга солярка кел-тирардик. Олтида чигирдан сув чиқарардик. Еттида янги соғилган сутни сепараторга элтиб берардик. Саккизда белимиздаги белбоқча ярим зогорани ўраб, далага чикар-дик. Кечкурун соат ўнларда зўрга судралиб уйга киргани-мизда бизни тўп-тўп бўз мато қўтиб турарди. Ярим тунгача ана шу бўзни бўардик. Шунинг учун бизнинг овулни Бўёқчи дейди. Бу билан фахрлана-миз. Биздек мохир бўёқчилар Қўлиқбойда ҳам, Дўсимбойда ҳам йўқ. Сабаби биз бўёқни юрагимизнинг ўти билан эри-тамиз.

Энди буламик масала-сига келсак, бунинг алоҳида тарихи бор. Онам Ўғилжон, сенинг онанг эмас, менинг онам Ўғилжон (қайнона билан келиннинг тупроғи бир ердан олингани учун исмлари ҳам бир хил эди) 1945 йилнинг 9 май куни кечкурун чорак қозон буламик пиширган эди. Шунн йиғирмадан ортиқ одам бир қилиқдан еганмиз. Хурсанд-чиқадан бир қулоғи йўқ бах-ши «Бозиргон» достонини ай-тиб, ҳаммамизни сел қилган.

Энди менга ва меҳмон-ларга чойдан қўйгин-да, ях-

шилаб эшит. Одам эъёозда бўлиши учун олти нарса сув билан ҳаводек зарур. Би-ринчиси — дилингда Аллоҳга эътиқод бўлиши шарт. Шо-гирдларининг Аллоҳга бўлган эътиқодини синаб кўрган пир ҳақида ҳикоят бор. Доно пир йиғирма нафар ёш илми то-либни синаш мақсадида қўл-ларига биттадан товук, ўтқир пичоқ тутқазиб, «Боринг, ҳеч

ҳеч нарсани билмайди. Фақат бир неча йиллар давомида сон-саноксиз қўйларни боққани ёдида. Чеки йўқ қўлда на мак-таб бор, на бирор бино. Эски ўтовнинг чеккасида ухлашади. Баъзан йиртиқ кигизни кўтариб, саксовул соясида кун кўриша-ди. 1953 йилнинг май ойида эски китель кийган киши келиб «Хукумат ўзгарди. Темир тар-тиблар бекор қилинди. Энди ўз

юртингизга қайтинглар» деди.

Овулга қайтгач, отаси оламдан ўтди. Бояқиш мохир деҳқон, тажрибали бригада бошлиғи эди. Қизиги шунда-ки, Қурбонбой аканинг оғаси Бекманбой ҳам, қайнотаси Қодир полвон ҳам бригадир эди. Шунн ҳисобга олиб, Қўр-бонбойни ҳам аввал ҳисобчи, кейин бригада бошлиғи қилиб тайинлашди. Лекин ундан бригада бошлиғи чиқмади.

— Бир неча йил бри-га бошлиғи бўлиб ишладим, — дейди Қурбонбой ота биз билан суҳбатда. — 1963 йил-нинг чигит экиш мавсумида раис билан дала бошида баҳслашиб қолдик. Мен беш бармоғимдек яхши биладиган карта экиш учун ҳали оби-то-бига келмаган эди. Икки кун вақти бор. «Бугун кечгача эк-санг эк, экмасанг бошқа эка-ди!» деди раис. «Сиздан ил-тимос, икки кундан кейин шу ерни механизатор бўлиб экиш. Мана, бригадирликдан бў-шаш ҳақидаги аризмат. Мени тракторчиликка ўтказинг!» дедим. Рози бўлди. Икки кун-дан кейин эккан далам кездеа қирқ центнердан пахта бузда.

25 йил трактор рулидан туш-мадим. Бундан 59 йил аввал раҳматлик Ўғилжон билан турмуш қурган эдик. Кекса-ларни эъёозлаш йилига келиб 11 фарзанд, 34 невара, 12 че-вара, келин ва кўёвларни қўш-сак, 70 жондан ошибмиз.

— Одам чин маънода эъ-золи бўлиши учун олти нар-са зарур, деб уч қиррасини айтдингиз. Қолган уч нарса нима? — сўради Аноргул ота-сидан.

— Юқоридагилардан ташқари оқил ота-онага, ко-мили фарзандларга ва яхши касбу корга эга бўлиш керак. Сизларнинг кўпчилингизда шу фазилатларни қўриб қувона-ман. Бирингиз муаллим, би-рингиз фермер, бирингиз тад-биркорсиз. Кеча бир неварам «Бобожон! Ҳамманинг кўн-глида орзуси бўлади. Сизнинг орзуингиз нима?» деб сўради.

«Менинг орзум шунки дунё тинч, мамлакат янада обод, кўркам, одамлар бахтли, юр-тимизни тенглар ичинда тенг қилган Ўйўлбощимизнинг умри узун бўлсин. Барча фар-зандларим, невараларим, че-вараларим соғ-омон юрсин. Уйимда энг сўнги русумда-ги машина бўлиб, мен унда Нукус ва Урганчининг кейинги чиройини кўришга борай!» дедим. Кўз тегмасин, нева-рам ҳозиржавоб экан. «Унда ишим битди, деаяверинг, бобо. Урганчда «Орландо» деган янги машина қияпти. Ўша машинадан харид қилиб, сизни наинки Нукус, Урганч ва Хива, балки Тошкентнинг Себзор даҳасида ишга туши-рилган эскалаторли кўприк-ка ҳам олиб борамиз!» деди. «Эскалаторми, эскаваторми, у нима?» десам, «Кўприк-нинг устига сиздек эъёоздаги қарияларни чиқариб қўяди-ган каттақон қайиш!» деди. Қўйил қолдим. Мана, сизлар саксон бешга кирибсиз, дей-сизлар. Шундай аjoyиб мам-лакатда юзга кирмаслиқ гуноҳ эмасми?! Нима дедингиз?

2015 йил, май, Мангут.

Дастур ижроси назоратда

«Кексаларни эъёозлаш йили» Давлат дастури доирасида Сирдарё вилоятида ҳам ўтган муддат давомида бир қатор ишлар амалга оширилди. Дастур ижросини таъминлаш ўз навбатида тегишли мутасадди идоралар томонидан назорат қилиб борилмоқда

Дилора ЭСОНОВА,
«XXI asr»

Вилоятда айни пайтда 53291 нафар нафақахўрлар ҳисобга олинган. Уларнинг 49132 нафарини ёшга доир, 3015 нафарини ногиронлик пенсиясини олувчилар таш-кил этади.

Маҳаллий давлат ҳоқи-мияти органлари томонидан ҳисобга олинган ўзгалар пар-варishiга муҳтож 221 нафар ёлғиз пенсионер 29 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулот-лари етказиб берилди. Шунин-гдек, 341 нафар ёлғиз пенсио-нер ва ногиронлар аниқланиб, улар ижтимоий хизмат кўрса-тиш рўйхатига олинди.

Тиббиёт муассасаларида-ги малакали мутахассислар томонидан шу йил 16-21 фев-раль кунлари «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмай-ди» шиори остида ўтказил-

Ҳаммасини бошдан бошласам дейман

Президентимизнинг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони биз, тадбиркорларнинг янада эркин фаолият юритишимиз мақсадида қабул қилинган жуда муҳим ҳужжат бўлди. Уни қайта-қайта ўқиб чиқар эканман, ўзимнинг хурсандчилигим майлию, ёш тадбиркорларга янада ҳавасим келди.

Мамлакат ИБРАГИМОВА, тадбиркор, O‘zLiDeP аъзоси (Янгийўл тумани)

Хорижий давлатларда бўлган, бугун 25 йиллик та-жрибага эга тадбиркор сифа-тида тўла ишонч билан айта оламаник, биздагидек енгил-лик, имтиёзу имконият бошқа давлатларда учрайвермай-ди. Қани энди, имкони бўлса, ёшари қолсам ҳаммасини бошдан бошласам, дейман. Бизнесимни истиқлолнинг дастлабки йилларида очган-ман. Тан олиш керак: бошида осон бўлмади. Айниқса, на-зоратчиларни айтмайсизми, текширувлар узок муддат да-вом этарди. Бир кунда 2 ҳатто 3 та идорадан текширувчилар

келганини яхши эслайман. Ўшиқдан ҳайдасанг, тешик-дан кириб келишарди улар. Ана шу йилларда Президен-тимиз бир йиғилишда бундай салбий ҳолатларни танқид қилгани ҳе ёдимдан чиқ-майди. Биласизми, ўшанда Юртбошимизнинг биз, тад-биркорларни ҳимоя қилиб, куюнчаклик билан айтган га-шларини эшитиб қўзимдан ёш-чиқиб кетганди. Бу кўз ёшла-ри нима учунлигини ўша йил-лар тадбиркор бўлганларига тушунади. Бирор жойга пул ўтказамиз десак ҳафталаб, баъзан ойлаб вақтимиз кетар, ҳужжатда озгина хатолик бўл-са, яна шунча муддатда ортга қайтиб келар эди.

Бугун-чи, ҳаммаси бир

зумда, кўз олдингизда ҳал бўлаяпти. Ҳатто пулингиз ёки маълумотингиз тегишли жойга етиб борди, раҳмат сизга, деб илтифот ҳам кўр-сатишади. Идорама-идора юриб ҳисобот топиришлар ҳам ортда қолди. Тадбиркор-ларга янада қўлай бўлиши учун ҳисоботлар тегишли ташкилотларга электрон шаклда юборилаяпти. Дав-латимиз раҳбарининг мазкур фармони билан тадбиркор-лик субъектларини режали текширувлар муддати 10 ка-лендарь кунидан ошмайдиган этиб белгилангани, шун-да ҳам тўрт йилда бир марта бўлиши назарда тутилгани биз, тадбиркорлар учун яна-да қўлайлик яратади.

Фахрийлар расмлари ёшлар талқинида

Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси, Сирдарё вилоят бадий ижодкорлар уюшмаси томонидан «Кексаларни эъёозлаш йили» Давлат дастури доирасида таъсирий санъат анъанавий фестивали ўтказилди.

Вилоят расмлар галереясида ташкил этилган кўргазмадан 200 нафардан зиёд ёш рассом ва хунарманднинг асарлари жой олди. Фестивалнинг очилиши катта байрамга айланиб кетди. Айниқса, тадбирга таклиф этилган бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийлари бундай эҳтиромдан мамнун бўлишди.

Фестиваль кунларида истеъдодли ёш мусаввирлар бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийларининг расмларини ишлаб, уларни ўз эгаларига тухфа қилишди. Ўзбекистон халқ рассомлари Собир Аҳмедов, Аҳмад Бобоев ва бошқалар кўргазмага қўйилган асарлар билан танишиб, уларни муносиб баҳоладилар.

Гулистондаги 2-болалар мусиқа ва санъат бўлимида ўқувчиси Камола Абдуллаева, Педагогика коллежи талабаси Моҳина Райимовага Қўрамоқлардан бири бешта бузоқчани дунёга келтирди — Ёшим 75 да, — дейди Машрабхон ая. — Чорвачилик билан анчадан бўён шугулланаман.

Кейинги йилларда ўғилларни ва набираларим кўмағида сунъий кўпайтиришга эътибор қаратиб, яхши натижаларга эришдик. Ушбу услубда уруғлантирилган сигирларимиздан бири бешта бузоқчали бўлди.

Ҳар ҳикматдан эзгулик излайдиган оққўнғил халқимиз бу мўъжизани ҳам файзу барака, тўқинчилик, ризқу рўз, нурли келажакнинг даракчиси, дея этироф этётгани бежиз эмас. Чунки эндигина дунё юзини кўрган бузоқчаларга разм солсангиз, табиатнинг ушбу инъомига беихтиёр таҳсинлар айтгингиз келади.

Энг муҳими, хонадон эгалари ва қишлоқ аҳлига бир олам қувонч бахш этган бузоқчаларнинг аҳволи аъло даражада.

— Одатда бундай ҳолатларда наслин сақлаб қолиш қийин кечади. Яъни, бир йўла туғилган тўртта-бешта бузоқчанинг узоғи билан икки-учтаси оёққа туриб кетади, — дейди ветеринар Шухратбек Жўраев. — Аймо бу бузоқчаларнинг бари тетик, мустақил ҳаракатлана олаяпти. Уларнинг айни пайтдаги аҳволи, ривожланиш даражасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бешаласи ҳам яшаб кетади.



етказиб берилди.

Вилоятда 432 нафар уруш ва меҳнат fronti фахрийла-ри, шунингдек, ёлғиз кекса-ларнинг 2015-2017 йилларда уй-жой шароитларини яхши-лаш бўйича дастур ишлаб чиқилганди. Унга асосан ўт-ган уч ой мобайнида 78 на-фар уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, ижтимоий ма-дадга муҳтож кексаларнинг турар-жойлари яхшиланиши-

га қўмаклашилди.

Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан вило-ят прокуратураси томонидан ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилишлар бўйича мутасадди идораларга 5 та тақдимнома киритилган-лиги, 25 нафар шахс интизо-мий, 3 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилгани ҳам юқорида айтилган фикримиз тасдиғидир.

АНИҚ САВОЛГА АНИҚ ЖАВОБ

«Ўқитувчиман, икки ой аввал янги ишга жойлашдим. Менга меҳнат таътили бериладими? Қанча ҳақ тўланади?

Баҳром Содиқов, Бухоро вилояти».

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 143-моддасига кўра, йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ишлангандан кейин берилди. Иш йили меҳнат шартномасига биноан иш бошланган кундан эътиборан ҳисобланади. Мактаблар, олий ва ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртлари, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларнинг муаллиmlар тарқибига биринчи иш йилида йиллик таътил уларнинг мазкур ўқув юртига ишга кирган вақтидан қатъи назар ҳақиқий ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда ёғзи таътил даврида тўлиқ берилди. Таътил ҳар йили шу таътил берилётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим. Ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда ҳодимнинг розилиғи билан таътилниг ўн икки иш кунидан ортиқ бўлган қисми кейинги иш йилига қўчирилиши мумкин. Йиллик асосий таътил иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун таътиларга жадвалига мувофиқ иш йилининг исталган вақтида берилади.

«Иш ҳақи ҳисоблашда вақтбай ишчиларга тариф бўйича ойлик маоши аниқ қилиб белгиланган. Хўш, ишбай меҳнат қилувчилар бажарган ишларига тарифлар борми?

Садруддин Алимов, Тошкент шаҳри».

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 153-моддасига кўра, меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон-бир тарзда чекланмайди. Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ҳодимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланади. Меҳнатга ҳақ, қойда тарикасида, пул шаклида тўланади. Меҳнат ҳақини натура шаклида тўлаш тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган ҳофлар бундан мустасно.

Саволларга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги мутахассислари жавоб берди.

Элмира РАҲМОНОВА.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА КУЧЛИ ҚҲЙИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

«XXI ASR» 22 (602)-son, e-mail: xxi_asr@mail.ru

«Шундай партия борлигидан кўнглим кўтарилди»

Сиёсий куч жамиятнинг муайян қисми сиёсий иродасини рўёбга чикаришга интилувчи кўнгилли бирлашмадир. Демак, аҳолининг маълум бир қатлами манфаатини ифода этиш учун, аввало, шу қатламнинг хоҳиш-истаги ва муаммоларини яхши билиш керак

Акбар ЯКУБОВ,
О‘zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши масъул ходими

Шу билан бирга аҳолининг партияга нисбатан муносабати, фикрларидан ҳамиша хабардор бўлиб туриш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун эса партия ўз электорати билан доимий ва тизимли алоқада бўлиши лозим. Навбатдаги кенг қўламли акция бизга ана шундай имконият яратмоқда. Бошқа ҳудудларда бўлганидек, О‘zLiDeP Жиззах вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ходимлари, маҳаллий кенгашлар депутатлари кўплаб ташкилот ва корхоналарга ташриф буюриб, нафақат партия дастурий мақсадлари, амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлашаяптилар, балки ҳеч қайси партияга аъзо бўлмаган фуқароларнинг мулоҳазаларини диққат билан тинглаш, уларнинг муносабатини билиш ва бундан тегишли хулосалар чиқаришга астойдил интилаяптилар.

— О‘zLiDeP хусусий секторни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларга хунар ўргатиш, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришни қўллаб-қувватлаш сингари аниқ мақсадларга эришиш йўлидан дадил одимляяпти, — деди «Жиззах пласт-тех» масъулияти чекланган жамият мутахассиси Жасур Адидов. — Менда бу фикрлар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Партия томонидан олиб борилаётган амалий чора-тадбирлар, шунингдек, бўлиб ўтган сайлов кампаниясидаги тарғибот ишларини кузатиб, марказий ва маҳаллий ОАВдаги чиқишлар мазмун-моҳиятига эътибор қаратиб, шундай хулосага келганман. О‘zLiDeP аъзолари орасида қариндошларим, дўстларим кўп. Баъзан улар билан партия фаолияти ҳақида суҳбатлашамиз. Англашимча, мазкур сиёсий куч ҳақиқатан ҳам амалий ишлар партиясидир. Бу партиядан сайланган депутатлар ўзларига билдирилган ишончни оқлаяптилар. Талай тadbиркор ва фермерлар улардан миннатдор. Яқинда эшитганим шу бўлдики, партия томонидан оилавий тadbиркорлиқни кенг йўлга қўйишга қаратилган лойиҳа амалга тaтбиқ этилаётир. Ушбу лойиҳа доирасида хотин-қизлар ўқитилиб, улар томонидан тақдим этиладиган бизнес-режаларни банк муассасалари томонидан молиялаштириш кўзда тутилган. Бу ташаббус аёлларимизга уй юмушларидан ажралмаган ҳолда оиланинг моддий фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш имкониятини беради.



Яқинда партиямиз сафига кирган Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти битирувчиси Хуррам Оллаёровнинг айтишича, у ўз сиёсий қарашларини айнан О‘zLiDeP орқали ифода этишга қарор қилган. Зеро, ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, хусусий мулк ва хусусий тadbиркорликкина давлатни юксак тараққиётнинг катта йўлига олиб чиқиши мумкин. Эътиборлиси, юртимизда тadbиркорларнинг эмин-эркин ишлаши учун қулай шарт-шароит яратилаяпти. Сафдошимиз яқинда вилоят партия ташкилоти томонидан ўтказилган мулоқотда иштирок этди.

— Вилоят фермерлар кенгаши раиси Анорбой Эшматовнинг гапларидан шуни тушундимки, тadbиркор фойда кўриш учунгина ҳаракат қилмайди. Бугунги ислохотларга дахлдорлиқни сезган ҳолда фаолият кўрсатади. О‘zLiDeP эса ўрта қатламнинг салоҳияти тўла рўёбга чиқиши учун бор куч ва имкониятини ишга солмоқда. Биргина мисол: бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми ўрта синф вакиллари ҳисобига тўғри келмоқда, бу эса юртимизнинг буюк истикболини бунёд этиш мулк эгалари қўлида эканини кўрсатади, — дейди Х.Оллаёров.

Ёш мутахассиснинг ақолича, партиявий ишларни янада жонлантириш, шунингдек, аҳолини кенгроқ қамраб олиш мақсадида тарғибот тadbирларининг чекка ҳудудларга кириб боришини таъминлаш лозим. Бу борадаги ишлар қанча кўп ва самарали бўлса, аҳолининг партияга қизиқиши шунчалик ортади, сафимиз сафи янада кенгайди.

— Гарчи партия аъзоси бўлмасам-да, депутат тақлифига биноан яқинда Жиззах шаҳар почтасидagi О‘zLiDeP бошланғич ташкилотида ўтказилган йиғилишда қатнашдим, — дейди «Лазиз мебель инвест» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Лазиз Ортиқов. — Йиғилишда тadbиркорлик субъектларининг давлат бошқаруви идоралари, солиқ ва назорат тузилмалари билан ўзаро алоқаларида очиклик ва ошқоралиқни таъминлаш борасидаги ишлар қизгин муҳокама қилинди. Унда мазкур БПТга бириктирилган депутат ҳам иштирок этди. Масала муҳокамаси давомида тadbиркорлик субъектлари фаолиятида юзага келган муаммолар ечими бўйича аниқ тақлифлар билдирилди. Йиғилиш қарорига кўра шаҳар солиқ инспекцияси бошлиғининг ҳисоботини эшитиш юзаасидан депутатлик гуруҳига тақлиф киритиш белгилангани, очиғи, мени жуда қувонтирди. Тadbиркорлар манфаатини изчил ҳимоялайдиган шундай сиёсий куч борлиғи, унга бемалол суянишим мумкинлигидан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Маълумки, О‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори билан партиямиздан сайланган депутатлар жойлардаги бошланғич партия ташкилотларга бириктирилди. Қуйидаги тақлиф эса мазкур ташаббус самарадорлигининг янада ортиши, ушбу тизим такомиллашувига хизмат қилади, деб ўйлаймиз

БПТ БИЛАН ДЕПУТАТ ҲАМКОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЗАРУРАТИ

Даставвал, мавзуга тааллуқли бир мисол келтирмоқчимиз. Бугунги кунда халқ депутатлари Ғаллаорол туман кенгашида партиямизнинг 15 нафар депутати фаолият юритаяпти.

О‘zLiDeP туман кенгаши таркибида эса 45 та БПТ бор. Оддий ҳисоб-китоблардан аён бўлаяптики, ҳар бир партия вакилига 3 тадан қуйи бўғин бириктирилган. Чунончи, маҳаллий кенгаш депутати Зоҳид Усмонов «Маржонбулоқ» санаторийси, туман ветеринари ҳамда молия бўлимларидagi таянч тузилмаларга боғланган. Депутат мазкур тузилмалар ишини сиёсий-мафкуравий, ижтимоий-ташкилий жиҳатдан янада такомиллаштириш, аъзоларнинг сифат таркибини яхшилаш, етакчилар масъулиятини ошириш ва бошқа бир неча йўналишда муайян иш олиб бораяпти. Ўз навбатида бошланғич ташкилотлар депутатнинг омма орасидаги мавқеи, унинг ваколатларидан унумли фойдаланиш, кўп масалаларда унга кўмак беришга интилишаяпти. Зеро, ушбу ташаббусдан қўзғаланган асосий мақсад ҳам шу. Тилга олинган партиявий тизимнинг яшовчанлиғи, ҳаётийлиги шу йўсинда секин-аста номоён бўлаётир.

Республикамизнинг барча ҳудудларида ана шундай ижобий жараён кечмоқда. Пойтахтимизда ҳам депутат ва БПТ ҳамкорлигининг бундай ўзига хос шакли яхши натижалар бери

раётганини таъкидлаган ҳолда, баъзи мулоҳазаларни, нуқтаи назаримизни маълум қилишни лозим топдик.

Яна рақамларга мурожаат қилайлик: ўтган йилнинг декабрида бўлиб ўтган сиёсий кампанияда Тошкент шаҳридаги 60 та сайлов округининг 19 тасида О‘zLiDePdан шаҳар кенгаши депутатлигига илгари сурилган номзодлар муваффақиятга эришдилар. Кейинчалик халқ депутатлари шаҳар кенгашидаги ҳар бир депутатимиз ўз сайлов округидаги партия қуйи тузилмаларига бириктирилди. Уларнинг ҳар бирига ўртача 18 тадан БПТ тўғри келди. Албатта, бу республикадаги ўртача қўрсаткичдан анча кўп. Шундай бўлса-да, аксарият депутатлар астойдил сазй-ҳаракат қилиб, БПТлар билан ишлаш йўлини топаяптилар. Жорий йилда тилга олинган 19 нафар депутатнинг ҳар бири турли масалалар юзасидан тегишли ташкилотларга 4 тадан 18 тагача депутатлик сўрови йўллагани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Бироқ масала шундаки, 41 та сайлов округидаги 738 та таянч бўғин «депутатсиз» қолмоқда. Бу эса бириктирув туфайли юзага келувчи бир қанча ижобий омиллардан депутатлар, бошланғич ташкилотлар, энг афсусланарлиси, электоратимиз ҳам у ёки бу даражада маҳрум бўлаяпти, дегандир. Ишнинг шу зайлда давом этавериши жойлардаги

бунга мисол сифатида келтириш мумкин.

Депутатнинг «Зиравот» МФЙдаги БПТ раиси Комил Комилов ва таянч тузилма аъзолари билан биргаликда аҳоли орасида О‘zLiDePнинг дастурий ғоя ва мақсадларини кенг тарғиботишдаги жонбозлиғи ҳам эътиборга сазовор. Жумладан, «Кек-босларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Маслақдошларимиз, шунингдек, 3-Махтумқули, 15-Навзиработ қўчаларидаги хонадонларда ҳам бўлиб, турли ёш ва касб эгаларига партиявий лойиҳалар, хусусий сектор вакилларини қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббуслар тўғрисида ахборот беришаяпти. Ана шундай жонли мулоқотлардан бири яқинда Президентимизнинг Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимла-

и жтимоий-иқтисодий муаммоларнинг депутатлар эътиборидан четда қолиши ва ҳал қилинмаслиғи, БПТлар фаолигининг пасайиши ва партиявий таъсир сусайиши сингари оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ҳўш, қандай йўл тутмоқ керак? Агар осон йўлдан бориб, қолган БПТлар ҳам партиямизнинг 19 нафар вакилига бириктирилса, ҳар бир депутатнинг қарийб 56 та қуйи ташкилотга масъул бўлиши талаб қилинади (ҳозир пойтахтимизда 1071 та қуйи бўғин мавжуд). Бу эса ҳатто назарий жиҳатдан ҳам уудалаш қийин юмуш. Фикримизча, бу масалада энг оқилона йўл — бор куч ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, **партия туман ташкилотлари ролини кучайтириш ва шу орқали депутатларнинг огирини енгил қилиш**.

Биламизки, депутатнинг асосий вазифаларидан бири сайловчилар, партия электорати манфаатларини ифодалашдир. Сиёсий кучнинг таянч нуқталари эса шу масалада ҳам унга ёрдам беришлари даркор. Бинобарин, аҳолидан қуйи ташкилотлар орқали ва бевосита келаётган турли кўринишдаги мурожаатлар билан иш олиб бориш учун партия туман бўлими қошида доимий ишлайдиган мутахассислар гуруҳи ташкил қилиниш мақсадга мувофиқ. БПТ раислари, партия фаоллари, турли соҳа экспертларидан иборат мазкур гуруҳ шикоят,



тақлиф, тавсия ва бошқаларни саралайди, умумлаштиради, сўнгра О‘zLiDeP Тошкент шаҳар кенгашида тузилган ана шундай гуруҳга ёки тўғридан-тўғри халқ депутатлари шаҳар кенгашидаги депутатлик гуруҳини тегишли комиссияларига тақдим этади. Шу ўринда бир далилга диққат қаратмоқчимиз. 2013 ва 2014 йиллар мобайнида пойтахтимиздаги 43-Хайробод округидан сайланган депутатга фуқаролардан 130 дан зиёд мурожаат келиб тушган. Турган гапки, ҳар қанча уddaбурон ва фидойи бўлмасин, депутатнинг якка ўзи шунча ҳажмдаги материални синчиклаб ўрганиши, тахлил қилиши, чора қўриши ва ҳолис жавоб қайтариши мушкул.

Шу билан бирга депутат қуйи бўғинларга улар кўтариб чиққан масаланинг қандай яқун топанлиғи тўғрисида мунтазам ҳисобот бериб бориши лозим. Бу жуда муҳим омил. Жамиятга наф келтираётганидан мамнунлик аъзоларни рағбатлантиради, янада фаолликка ундайди. Демокчимизки, шу каби қатор ишларни ҳам партия туман кенкилотлар орқали ва бевосита гуруҳи бажариши мумкин. Хуллас, зарур жойларда маҳаллий кенгаш ва ундаги мутахассислар гуруҳининг депутатлар билан БПТ ўртасидаги ўзига хос боғловчи бўғин, мустаҳкам халққа бўлиши айни муддаодир. Бунда партия туман бўлими ходимларининг ҳам билим ва савиясини

янада ошириш борасида изчил иш олиб бориш тақозо этилади. Қайд этиш кераки, яқинда пойтахтимизда ўтказилган «Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини самаранин ташкил этиш масалалари» мавзусидаги семинар-тренингда бошқа масалалар қатори мазкур тақлиф ҳам қизгин муҳокама қилинди. О‘zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раиси Тўрабек Назаров, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти шаҳар ҳудудий бўлинмаси раҳбари Дониёр Аюпов, шаҳар кенгаши депутати Айгул Сатторова ва бошқалар ушбу тақлифни маъқулладилар, уни амалга тaтбиқ этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасининг навбатдаги кенгайтирилган ййғилишида ҳудудий ва маҳаллий кенгашлар депутатларининг ишини янада жонлантириш, фаолияти самарадорлигини ошириш борасида ҳам атрофлича сўз юритилди. Ўйлаймизки, тақлиф этилаётган партиявий механизм бу борада жуда қўл келади. Шубҳасиз, уни барпо этиш, йўлга қўйиш тез ва равон кечмайди. Лекин самара ҳам шунга яраша бўлишига ишончимиз комил.

Абдунаби МУХРИМОВ,
О‘zLiDeP Чилонзор туман кенгаши раиси биринчи ўринбосари,
Беҳзод ИСРОИЛОВ, «XXI asr».

Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли ишчилар турар-жойида ташкил этилган О‘zLiDeP таянч бўғинида «Партия фаолиятида бошланғич ташкилотларнинг ўрни» мавзусидаги туркум тadbирларнинг навбатдагиси ўтказилди

Азму шижоат билан ишлайлик

Мансур АСЛОНОВ, «XXI asr»

Маҳаллий кенгашлардаги О‘zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзолари, БПТлар раислари, корхона ишчи-хизматчилари иштирок этган давра суҳбатида Ислom Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқидан келиб чиқадиган устувор вазифалар ҳусусида сўз юритилди.

О‘zLiDeP вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбари Хислат Зайниддинов бу борадаги устувор партиявий вазифалардан бири ҳудудий ва маҳаллий кенгашлардаги партиямиз депутатлик гуруҳлари ва қуйи бўғинлар фаолияти самарадорлигини янада ошириш билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидлади. Зеро, унинг фикрича, О‘zLiDeP томонидан бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодийтни либераллаштириш, тadbиркорлик йўлидаги ғов ва тўсиқларни бартараф этишга қаратилган қатор қонун лойиҳалари муҳокамасида партия барча бўғинлари ва электорат вакиллари фаол иштирокини таъминлаш Сайловолди платформасида илгари сурилган вазифаларни тўла бажаришга имкон яратади.

— О‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорига мувофиқ уч босқичда ўтказилувчи «Энг намунали бошланғич партия ташкилоти», «Йилнинг энг яхши депутати» ва «Энг намунали туман (шаҳар) партия ташкилоти» кўрик-танловлари партиямизнинг етакчи сиёсий куч сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлаши баробарида салоҳият ва имкониятларимизни яна бир бор намойиш этади, — деди ўз чиқишида партия шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ғолиб Назаров. — Шу сабабли азму шижоат билан ишлаш, танловда фаол қатнашиш, соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш тақозо этилаётир.

ЖАРАЁН

Хоразмнинг саноат салоҳияти тобора чуқурлашиб бораётган диверсификация жараёни боис янада юқори поғоналарга кўтарилиб, экспорт ҳажмини ошириш билан бирга вилоятда импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, маҳаллийлаштириш дастури ижросини кучайтириш имконини бермоқда

ЯНГИ ҲАЁТ НАФАСИ

Янгибой КЎЧҚОРОВ, «XXI asr»

Шу ўринда Юртбошимизнинг вилоятга навбатдаги таширифи чоғида, яъни 2012 йилнинг 9 октябрида мазкур жараён учун янги саҳифа очилганини айтиб ўтиш даржод. Ушанда давлатимиз раҳбари муҳим йўналишлар бўйича тажрибали, малакали мутахасссларнинг таклифлари, мулоҳазаларини катта эътибор билан тинглаган, қизгин фикр алмашувлардан кейин истиқболли тавсияларни берган эди. Пировардда вилоят иқтисодиёти, ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларини ривожлантиришга доир қарорлар аини кунда ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Алоҳида қайд қилиб ўтиш кераки, мазкур қарорлар асосида вилоятнинг саноат, туризм соҳалари ҳамда мелiorация тизимини такомиллаштириш, Урганч шаҳри меъморий қиёфасини тубдан ўзгартиришнинг Бош режасини амалга ошириш, шунингдек, вилоят аҳолисини ичимлик суви билан янада тўлроқ таъминлаш тadbирлари белгиланган. Булар ичида вилоят саноатини диверсификация қилиш жараёнини тезлашти-

Бўлажак ҳарбийларнинг бугунги тайёргарлиги

Мамлакатимиз Куролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотларнинг бугунги босқичида соғлом ва маънан етук, жисмонан чинқикан йигитларни ҳарбий хизматга тайёрлаш барча давлат ва жамоат ташкилотларининг асосий вазифасидан биридир. Бу муҳим ишда Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг алоҳида ўрни бор. Миллий матбуот марказида Мудофаа вазирлиги томонидан «Ҳарбий техника мутахасссликлари бўйича қақирилувчиларни тайёрлаш тартиби» мавзудида ўтказилган анжуманда мазкур ўкув муассасларида қақирилувчиларни Ватан олдидаги хизматга тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ОАВ вакилларига атрофлича ахборот берилди. — Ҳозир тизимдаги бешта бирлашган техника, ўн тўнқизта автомобиль мактабида ҳарбий хизматга қақирилувчиларга 13 турдаги мутахассслик сир-асрорлари ўргатилмоқда. Жумладан, телеграфи, телефончи, лангашетчи каби алоқа воситалари, дизелчи-электрик, чавандоз, транспорт воситалари ҳайдовчилари тайёрланмоқда, — деди «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши раисининг ўринбосари Шокир Исоев. — Ушбу муҳим вазифа жойлардаги ҳокимликлар, мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари, «Қамолот» ЁИҲ, «Маҳалла» ва «Нуроний» жағгармалари билан ҳамкорликда ташкил этилаётгани яхши самара бераётёр.

Тadbирда таъқидланганидек, махсус мактабларда курсантлар тайёрлашга масъулият билан ёндашилаётгани, бўлгуси Ватан ҳимоячилари онига миллий истиқлол гоёси мазмун-моҳиятини чуқур сингадириш, шунингдек, ҳарбий-техник тайёргарлиқнинг таркибий қисми сифатида қақирилувчиларни спорт турларига жалб этиш борасида қатор чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Анжуман якунида Мудофаа вазирлиги, Тoшкент шаҳри ва вилояти Мудофаа ишлари бошқармалари масъул ходимлари, «Ватанпарвар» ташкилоти, Тoшкент бирлашган техника мактаби мутасаддилари журналистларни қизиктирган саволларга жавоб қайтардилар.

Ўз муҳбиримиз.

«Инсон азиз, Ватан муқаддас»

Навоий шахридаги «Ёшлар саройи»да ана шундай шиор остида «Баркамол авлод шаклланишида миллий ва маънавий қадриятларнинг ўрни» мавзудида илмий- амалий семинар ўтказилди. Маълумки, ота-боболаримиз азалдан оилани муқаддас даргоҳ санашган. Фаразд тарбияси, унинг касб-хунар ўрганиши, илм-маърифат соҳиби бўлишига катта масъулият ила ёндашишган. Диний ва дунёвий, ҳарбий ва давлат бошқарувига оид, шунингдек, шаҳарсозлик, муҳандислик, фалакшунослик, география, геодезия, геометрия, алгебра, тригонометрия, картография, тиббиёт, адабиёт, санъат ва бошқа қатор соҳалар бўйича илм-фаннинг тамал тошини қўйган Ал-Беруний, Ал-Хоразмий, Мирзо Улугбек, Ат-Термизий, Ал-Мотурудий, Ал-Фаргоний, Ал-Бухорий, Баҳовуддин Наҳшбаний, Абу Али Ибн Сино, Мирзо Бобур сингари бобаконларимиз ҳам айнан ҳалқимизнинг шарқона бағрикенглик, одоб-ахлоқ, каттага ҳурмат, кичикча иззат, ўзаро меҳр-оқибат сингари ўлмас қадриятларини улуғлаш, йиқилганини суяш, қийналганга кўмак беришни муқаддас бурч санашган. Муборак номлари тарих зарваракларига олтин ҳарфлар билан муҳрланган бу каби олимۇ фузалолар рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин. Миллатимизнинг фахру ифтихори саналадиган Алишер Навоий бобомиз хусусида ҳар қанча гапирса арзийди. Мухтарам Президентимиз Ислон Каримов таъқидлаганидек: «Агар бу улуг зотни мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, авлиё десак, авлиёларнинг авлиёси, шоир десак, шубҳасиз, шоирларнинг султонидир». Тadbирда таъқидланганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилаётган миллати, тили, дини, этникиди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланган. Бош Қомусимиз буни тўла қафолатлайди. Турли миллатларга хос бўлган урф-одат, анъана ва қадриятларга алоҳида ҳурмат билан ёндашилаётганлиги ҳам диққатга молиқдир. Семинар иштирокчилари шу ерда ташкил этилган суратлар ва миллий ҳунармандчилик намуналари кўргазмаси билан танишиб, «Дўстлик ва тотувлик мамлакати» фильмини томоша қилишди. Миллий маданий марказлар қошидаги бадий жамоалар ва таниқли санъаткорлар томонидан ижро этилган Ватан, тинчлик, дўстлик ҳамда мустақиллиқни улуғловчи концерт дастури тadbирга байрамона руҳ бағишлади. Худди шундай илмий-амалий семинарлар Қонимех, Учқудуқ туманлари ва Зарафшон шахрида ҳам бўлиб ўтди.

Мансур АСЛОНОВ.

Устанинг саккиз килолик узуми

Пайариқлик деҳқон Файзулла Холбоевни уста деб қақиришади. Зеро, кўп йиллардан буён узумчилик билан шуғулланиб келаётган, тоқзорларида етиштирилган ўзига хос навлари билан юртимизда ташкил этилган кўплаб танловларда зафар қучган миришкор хорижий давлатларда ўтказилган кўргазмаларда ҳам олиқшларга сазовор бўлмоқда

Муҳаббат РАВШАНОВА, «XXI asr»

— АҚШ, Ҳиндистон, Украина ва Жанубий Кореяда узумчилик бўйича ўтказилган ярмаркаларда иштирок этдим, — дейди Ф.Холбоев. — Хусусан, яқинда Калифорния штатида ярмарка доира-сида ташкил этилган семинарда дунёнинг кўплаб давлатларидан келган фермерлар билан бирга-ликда узум етиштириш сирлари юзасидан тажриба алмашдик. Шу ўринда мазкур ўқувлар давомида мевани тоқнинг ўзида майиз ҳоли-га келтириш бўйича берган тавсия ва таклифларим мутахасссларда катта таассурот қолдирганини ай-тиб ўтиш жоиз.

Файзулла ақанинг асли касби — ўқитувчи. Ўн икки йил давоми-да умумтаълим мактабида бола-ларга математика фанидан са-боқ берган уста мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлан-тиришга катта эътибор қаратил-ган илк кунларданоқ узумчилик билан шуғулланишга киришди. Жумладан, аввал «Файзулла Холбоев узумлари» фермер хў-

жалигининг саккиз гектар майдо-нида дунёнинг турли кўргазмала-рида юқори баҳоланган «Кетмон сопи», «Ҳасайни», «Мерседес», «Ризамат ота» каби навларни экиб, парваришлаган деҳқон айни пайтда бу ерда 20 навадга узумларни етиштираяпти.

Устанинг энг катта ютуқлари-дан бири «Сўғдиёна» навидан яхши ҳосил олиб келаётганида, десак муболага бўлмайди. Бино-барин, ҳар бир боши 8 килограм-мгача тош босадиган ушбу узум нави уругсиз мевасининг йири-клиги, шираси меъёрида бўл-гани боис майизбоплиги билан ажралиб туради. Айтишларича, «Сўғдиёна» бундан бир неча йил аввал селекционер олимла-римиз томонидан Германиядан келтирилган узум нави билан чатиштириш орқали олинган. Энг муҳими, Файзулла Холбоев деҳқонлар томонидан унутилиб, йўқ бўлиб кетиш арафасида тур-ган нави боида кўпайтиришга эришди. «Сўғдиёна» 2010 йилда республика танловида «Энг ноёб нав» номинацияси ғолиблигини қўлга киритди.



пилгани ҳам фикримиз далилидир.

Богот туманининг ўзида пахта толасини қайта ишлашга йўналти-рилган тўртта замонавий корхона ишлаб тургани, Урганч, Шовот ва Гурландаги тўқимачилик мажмуа-ларининг модернизация қилингани тармоқда туб бурилиш ясаганидан далолат. Ўтган йили Янгибозор ту-манида 2500 тонна трикотаж мато тайёрлаш қувватига эга бўлган фабрика ишга туширилди. Бундай корхона тез кунлар ичида Хива туманида ҳам ўз фаолиятини бо-шлайди.

Умуман олганда, диверсифика-ция натижасида 2014 йилда Хоразмда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2013 йилга нисбатан 150 фоизга ўсди. Вилоят-нинг саноат салоҳиятини ошириш-га қаратилган қарорга кўра, жорий йилда жами 253 та лойиҳа амалга оширилиб, 9 мингга яқин янги иш ўрни яратилади. Замонавий ав-томобиллар, экскаваторлардан ташқари, металл ва полимер қурур-лар, велосипед, қурилиш матери-аллари, ип-калава, музлатгичлар сингари 45 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқарилади.

— Президентимизнинг доимий ғамхўрлиги, ҳукуматимизнинг ама-лий ёрдами натижасида жорий йилнинг биринчи кунидан бошлаб вилоятимиз субвенциясиз фаолият кўрсатишга ўтди, — дейди Хоразм вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сена-ти аъзоси Пўлат Бобожонов. — Бу барча соҳалар, шу жумладан, саноат салоҳиятини оширишга қаратилган истиқболли дастурлар берган нати-жаларнинг ёрқин самарасидир. Ту-ризм, қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли ишлар ҳам изчил давом эттирилмоқда. Кичик бизнес ва хусу-сий тadbиркорлиқни қўллаб-қувват-лашга алоҳида эътибор берилаяпти. Масалан, 2014 йилда вилоятимизда ана шу соҳани қўллаб-қувватлашга 365 миллиард сўм миқдорида кре-дит маблағларининг йўналтирилиши натижасида 15827 та янги иш ўрни яратилди. Бу йил эса мазкур соҳани қўллаб-қувватлашга 480 миллиард сўм сармоя ажратиш кўзда тутилган.

Иқтисодиёт билан бирга воҳода ижтимоий соҳа, маданият, спорт ҳам жадал ривожланмоқда. Асосийси, барча жабҳаларда янги ҳаёт нафаси уфуриб турибди!

Маънавиятли ёшларни тарбиялаш — вазифамиз

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги Молия ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи талабалари билан ўтказилган давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди. Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби ўқитувчилари, Сергели туман прокуратураси ходимлари қатнашган тadbирда Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Мамлакатимизнинг демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимининг қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир» номи маърузасининг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар аҳамиятини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш борасида сўз борди.

Унда мустақиллик йилларида ёш авлодни қомил, юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялаш бош вазифалардан бирига айлангани, энг қувонарлиси, бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги эътироф этилди.

Ҳисмонан соғлом, юксак интеллектуал салоҳият, замонавий билимларга эга, мустақил фикрлайдиган, келажакка ишонч билан қарайдиган авлодни вояга етказишда коллеж мутасаддиларига ушбу йигитли ташаббускорлари — Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби ўқитувчилари — подполковник С.Муратова ҳамда катта лейтенант Ш.Раҳматов яқиндан ёрдам беришляпти.

Тadbир якунида коллеж талабалари ўзларининг қизиктирган саволларига ташкилотчилардан жавоб олдилар.

Ўз муҳбиримиз.

ЭЪЛОН

Тoшкент шаҳри, Олмазор (собиқ Собир Раҳимов) тумани, Университет кўчаси, 2-ўйда фаолият юритиб келган, 30.07.2010 йилда Реестр № 004504-05 рақамни билан рўйхатдан ўтган «ХЎЖАЛИК ҲЎСОБИДАГИ ИЛМИЙ-УСЛУБЙ МАРКАЗИ» давлат унитар корхонаси фаолиятини тугатади. Ариза ва муурожаатлар 1 ой давомида қабул қилинади. Тел.: (0371) 246-49-51.

Сифат ва самарадорлик

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси мутасаддилари қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш борасидаги саяй-ҳаракатлар, сифат ва самарадорлиқни ошириш билан боғлиқ масалалар хусусида журналистларга ахборот берди

Фахриддин НУРАЛИЕВ, «XXI asr»

Маълумки, қурилиш ма-териаллари мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи тар-моқлардан бири ҳисобла-нади. Қишлоқлар инфра-тузилмасини ривожлантириш борасида амалга ошири-лётган кенг қўламли лой-

иҳалар, саноат объектлари, уй-жой фонди, таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янгиларини барпо этишга қаратилган дастурлар ушбу соҳанинг янада тараққий этишида

муҳим омили бўлмоқда.

Биргина жорий йилнинг дастлабки чораги якунлари бўйича компания томонидан жами 475,2 млрд. сўмлик са-ноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, истеъмол то-варлари ҳажми 38,31 млрд. сўмга етказилгани ҳам фи-кримиз далилидир.

Булардан ташқари, ком-пания томонидан маҳал-лийлаштириш дастури дои-расида 1202,6 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 15,866 млн. АҚШ долларига тенг миқдордаги маҳсулот экспорт қилишга эришилди.

— Бугунги кунда замона-вий қурилиш материалла-рини етказиб беришга алоҳи-да эътибор қаратилмоқда, — дейди компания бўлим бошлиги Ўткир Турдиев. — Жумладан, 30 дан ортиқ турдаги қурилиш матери-алларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 2015 йил-нинг январь-март ойларида соҳада 205 та лойиҳа амал-га оширилиб, 1921 та янги иш ўрни яратилди.

Анжуманда журналист-лар ўзларини қизиктирган саволларга мутасаддилар-дан жавоб олишди.

Ёзда қиш тараддуди

Тoшкент шаҳар ҳокимлигида пойтахт уй-жой фондини навбатдаги куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси ва ҳокимлик етакчи мутахассслари иштирокида ўтказилган тadbирда уй-жойлар ҳамда улар атрофидаги ҳудудларнинг техник ва санитария ҳолатини муфассал ўрганиш, куз-қиш фаслига тайёрлаш бўйича журналистларга батафсил ахборот берилди.

— Бугунги кунда пойтахтимизда жами 9123 та кўп қаватли турар жой бўлиб, уларга 2,3 мингдан ортиқ хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатамоқда, — деди ўз сўзида шаҳар Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раиси А.Набиев. — Уюшма ширкатлар фаолиятини мониторинг қилиб, зарурат тугилганда турли ташкилй, жумладан, куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда уларга яқиндан кўмаклашмоқда.

Масалан, ўтган йили мавсумга тайёргарлик кўриш доирасида мавжуд ширкатлар томонидан 334 та кўп қаватли уйнинг олд қисми ва тўрт мингдан ортиқ иморат йўлаклари таъмирланди. Аҳолига қулайлик яратиш ва тўташ ҳудудларни ободонлаштириш мақсадида 302 та автомобиль тўхташ жойи қурилиб, 354 мингдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди, болалар майдончалари таъмирланди. Уйларнинг гидро ва иссиқлик изоляциясини янада яхшилаш мақсадида 800 минг квадрат метрдан ортиқ том қопламаси алмаштирилди. Шунингдек, 1059 та лифт жорий таъмирланиб, йўлакларга 965 темир эшик ўрнатилди. Санитария-техника меъёрлари ва ёнгин хавфсизлиги қондаларига мувофиқ, ертўла ва чердаклар тозаланди ҳамда текширувдан ўтказилди.

Ҳадемай йилнинг биринчи ярми якунланди. Навбатдаги куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини эса пайсалга солиб бўлмайди. Шу боис барча туманларда турар-жойларнинг ҳолати атрофлича текширилиб, далолатномалар тузилмоқда ва шу асосда зарур чора-тadbирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалий ишларга киришилади.

Рисолат МАДИЕВА.

«Нуронийлар ва ёшлар» форуми

«Кескаларни эъзолаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари томонидан «Нуроний» жағгармаси ҳамда «Қамолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда ташкил этилган «Нуронийлар ва ёшлар» форуми доирасида отахонлар учун ўзига хос саёҳат уюштирилди. Хусусан, андижонлик меҳнат фахрийлари ёшлар билан биргаликда Қувага ташириб буюрган бўлсалар, наманганлик нуронийлар Ёзёвон туманига тақлиф этилди.

— Очиғи, бир неча йилдан буён Қувага келишга вақт тополмай юрганим, — дейди андижонлик меҳнат фахрийси Қобилжон ота Суярбеков. — Мана, Кескаларни эъзолаш йили муносабати билан саёҳат қилиб юрмибиз. Даладаги юмушлар ҳам авж палласига кирибди. Қай бир фермер билан суҳбатлашманг, маннунлиқни сезасиз. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тўқин ва фаровон ҳаёт, мўл-кўлчилик яратишга астойдил беғ болагани шундоқ юз-кўзидан билинади. Гўзал юртимизга кўз тегмасин. — Илгари Ёзёвон, деса Марказий Фарғона чўли қўз олдимизга келарди, — дейди наманганлик Оқил ота Дадажонов. — Эндичи, эҳ-хе... Бу ердаги бунёдкорлиқни кўриб, дилим яйради. Бизга ҳамроҳлик қилаётган ёшларга: «Шундай юрта яшаётганлигимизга шуқрона айтинглар. Мустақиллигимизни асрашда собит бўлинглар. Элим деб, юртим деб ёниб яшанглар. Бир пайтлар биз турган очарчилик, тала-тўп қуларни асло кўрманглар», дея насиҳат бераяпмиз.

Фахрийлар куннинг иккинчи ярмида вилоят марказига қадам ражжида қилдилар. Фарғона шахрида амалга оширилган ишлар билан танишган отахонлар Хотира хиббони, шунингдек, яқингинада фойдаланишга топширилган «Истиқлол» уйингоҳида, Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан бунёд этилган мухташам Санъат саройида бўлдилар. Кечга яқин меҳмонлар учун тўқин ҳуслалар чиқариб олдик, — дейди форум иштирокчиси Мадинабону Сайдуллаева. — Нуронийлар суҳбати, панду ўғитилардан келиб чиқиб, мен каби барча «қамолотчилар» мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраш, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлишга аҳд қилдик.

Ахроржон МУСУРМОНОВ.

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

◀ РЕКЛАМА ЎРНИДА

«Shukur-Toji-Baraka» — Японияда

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ишбилармонларимиз томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларни ички ва ташқи бозорга чиқариш, соҳага чет эл инвестициялари ҳамда янги технологияларни жалб этиш мақсадида кўпгина истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда

Фахриддин НУРАЛИЕВ,
«XXI asr»

Жорий йилнинг биринчи чорагида жамғарма томонидан 920 та тадбиркорлик субъектига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий ёрдам кўрсатилди. Бунинг самарасида қиймати 220 миллион АҚШ долларига тенг бўлган шартномалар имзоланди. Мамлакатимизнинг 90 та корхонаси жамғарма кўмагида хорижий давлатларда ўтказилган нуфузли халқаро кўргазма-савдолар, бизнес-форум ва кооперация биржаларида иштирок этди.

Пойтахтимиздаги «SHUKUR-TOJI-BARAKA» хусусий фирмаси ҳам жамғарма кўмагида ана шундай халқаро тадбирларда муносиб иштирок этиб, маҳсулот ва хизматларини чет эллик харидорларга танитаётган тадбиркорлик субъектларидан бирidir.

Хусусан, корхона жорий йилнинг 3-6 март кунларида Япониянинг Чибо шаҳрида бўлиб ўтган FOODEX озиқ-овқат кўргазмасида муваффақиятли иштирок этиб қайтди. Шуни айтиш керакки, мазкур ярмарка Осиёдаги энг йирик озиқ-овқат

ва ичимликларнинг йирик намоиши бўлиб, ҳар йили ўтказилиб келинади. Бу йил 79 мамлакатдан мингдан ортиқ компания иштирок этган кўргазмага 80000 га яқин киши ташриф буюрди. Иқтисодиётнинг барча йўналишларини қамраб олган форумнинг айниқса қишлоқ хўжалигини ривожланти-

алоҳида бўлим ташкил қилиниб, унда юртимизда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш, транспорт ва логистика хизмати кўрсатиш соҳаларидаги салоҳияти намоиш этилди.

— Шуниси қувонарлики, маҳсулотларимизнинг си-

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ЖАМҒАРМА ТОМОНИДАН 920 ТА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИГА МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАРНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШДА ТАШКИЛИЙ, ҲУҚУҚИЙ ВА МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ. БУНИНГ САМАРАСИДА ҚИЙМАТИ 220 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИГА ТЕНГ БЎЛГАН ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ.

риш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва уларни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришнинг инновацион технологияларига оид ўнлаб бўлимлари ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур халқаро анжуман нафақат Япония, балки Осиёнинг бошқа мамлакатлари бозорига чиқиш учун муҳим иқтисодий дарвоза вазифасини ўтайди.

Кўргазмада «SHUKUR-TOJI-BARAKA» хусусий фирмасининг озиқ-овқат маҳсулотлари жой олган

фати ва табиийлиги кўпчиликда қизиқиш уйғотиб, ўнлаб корхоналар биз билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирди, — дейди корхона директори Фатхулла Каримов. — Албатта, бундай имкониятлар ўз-ўзидан юзага келгани йўқ. Кўргазмада қатнашишда яқиндан ёрдам берган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасига миннатдорлигини билдираман. Уйлайманки, бу ҳамкорлигимиз узоқ ва самарали давом этиб, юртимиз нуфузи янада ошишига камтарона улуш бўлиб қўшилади.

Маълумки, бугунги кунда БМТнинг халқаро болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ, шунингдек, бир қатор халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар болаларни турли-туман офатлардан асраш, улар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда. Жаҳон ҳамжамиятининг қашшоқлик ва очликни тугатиш, саводсизликка барҳам бериш, қочоқлар муаммосини ҳал этиш билан боғлиқ чора-тадбирлари биринчи галда болалар тўғрисидаги ғамхўрлик ифодаси, албатта

БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, кейинги йигирма йил мобайнида сайёрамиздаги беш ёшдан кичик бўлган болалар ўлими сезиларли даражада камайган. Бироқ ҳар йили уч миллион боланинг бир ой яшамасдан ҳалок бўлаётгани ҳам бор гап. Шу боис кўпгина мамлакатларда гўдак туғилишида имтиёзлар жорий этилган. Бу, биринчидан, она ва бола саломатлигини сақлашга хизмат қилса, иккинчидан, миллат давомийлигини таъминлашга қаратилган ҳаракатдир.

Тахлилчилар болалар билан боғлиқ муаммолар нафақат Африка, балки Европа ва Америкада ҳам бирдек долзарблигига эришганлиги таъкидлашмоқда. Хусусан, ривожланган давлатларда кичкинтойлар телевизор ва компьютер қаршисига «михланиб», ота-оналар учун муаммо туғдираётган бўлса, Африкадаги норасидалар очлик, ОИТС, саводсизлик, ҳатто қуролли тўқнашуларга рубару келмоқда. Ҳа, қўллаб қақалоқлар бевақт нобуд бўляпти. Масалан, Африкада энди туғилган ҳар беш нафар қақалоқнинг иккиси ҳаёт билан видолашяпти.

Маълумки, қақалоқ туғилганда киндиги кесилиб, хлорексидин препарат билан артилади. Нигерияда эса қақалоқ киндиги кесилгандан кейин унга маҳаллий одат бўйича сиғир тезағи сурилар экан. Бу «препарат»нинг муррак гўдак ҳаёти учун қанчалар хавфли экани ўз-ўзидан аён, албатта.

Бугунги кунда, айниқса, вояга етмаган болаларнинг жангвор ҳаракатларга жалб қилинаётгани инсоният келажакига бўлган муносабатнинг энг жирканч кўринишига айланди. Мисол учун, Марказий ва Ғарбий Африка мамлакатларида истикомат қилувчи ҳар ўн боладан биттаси қуролли гуруҳларга қўшилган. Болаларни аскарликка ёллашда Сомали алоҳида тилга олинаётир. Африканинг шарқий қисмида жойлашган мазкур мамлакатдаги аксарият болалар мактаб остонасига яқин йўлламаган. Шу сабабли улар ўқиш ва дам олиш нималигини тасаввур ҳам қилишолмайди. Ажабланарлиси, бу ерда бўлиб ўтадиган турли танловлар ғолибларига автомат ва гранаталар совға қилиш анъанасига тусига кирган.

UNFPA халқаро ташкилоти тақдим этган маълумотларда эрта никоҳ ва эрта ҳомиладорлик ҳам дунё миқёсидаги глобал муаммолар қаторидан ўрин эгаллагани айтилади. Хусусан, ривожланаётган мамлакатларда ҳар кун 18 ёшга тўлмаган йигирма минг қиз она бўлаётгани келтирилади. Умуман олганда, ҳар йили она бўлаётган 7 миллион қизнинг 2 миллиони, яъни 15 ёшгача бўлганлари эрта ҳомиладорлик ва оналар ўлими билан боғлиқ жуда оғир тиббий-ижтимоий оқибатлардан азият чекмоқдалар. Тараққий этган давлатлар ҳам бундан сирғинмас экан. Масалан, АҚШда ўсмирлик вақтида ҳомиладор бўлиб қолган қизларнинг деярли ярми ўрта таълими 22

ёшида тугатмоқда.

Шарқий Европа ҳамда Марказий Осиёда эрта никоҳ ва ҳомиладорликнинг камайиб бориши кузатилаётганига қарамай, баъзи мамлакатларда бу кўрсаткич Ғарбий Европадагига нисбатан анча юқоридир. Бошқача айтганда, эрта ҳомиладорлик бўйича ўртача кўрсаткич ҳар юз

сирасига, шубҳасиз, Ўзбекистон ҳам киради. Маълумки, истиқлол йиллари мамлакатимизда аёлга ва ўсиб келаётган ёш авлодга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш устувор йўналишлардан бўлиб, Ўзбекистон қўшилган

лалар саломатлигини муҳофаза қилиш, хавфли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Умуман, комплекс чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистонда аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари муттасил ошиб, умр кўриш давомийлиги юксалмоқда. «Соғлом она — соғлом



дастлабки халқаро ҳужжатлардан бири «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциядир. Кейинчалик «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида» қонун қабул қилинди. Мамлакатимизда «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши ҳам бежиз эмас, албатта. Таъкидлаш жоизки, сўнгги ўн йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизациялаш, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 750 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланди.

Мамлакатимизда болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг мустақкам ҳуқуқий асоси яратилган. Таълим, соғлиқни сақлаш соҳасида эришилаётган ютуқлар эса халқаро миқёсда алоҳида эътироф этилаяпти. Масалан, юртимизда аҳолини изчил ва самарали эмлаш дастури мулоффақиятли амалга оширилаётгани ҳамма кўриб турибди. Бундай ёндашув, айниқса, бо-

бола» тамойили асосида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар самарасида муваққиллик йилларида мамлакатимизда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдаклар ўлими 3,2 баробар камайди. «Она ва бола скрининги» дастури амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайди. Бугунги кунда фарзандларимизнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.


Бир сўз билан айтганда, ер юзининг қайси нуқтасида яшамасин, дини ва ирқидан қатъи назар, фарзанд инсон наслининг давомчиси сифатида катта эътибор ва ғамхўрликка лойиқ. Шу боис болаларни қўз қорачигидек асраш бутун инсониятнинг вазифасидир. Зеро, боланинг бегонаси бўлмайди.

▶ ҚУТЛОВ

«ШЎРТАНГАЗКИМЁ»

мажмуаси жамоаси

Она Ватанимизнинг эртанги эгалари бўлган ўғил-қизларимизни 1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ муносабати билан муборақбод этади. Осмони мусаффо, ҳаёти осуда юрт фарзандлари экансиз, юзингиздан ҳеч қачон шодлик ва табассум аримасин. Барча орзу-умидларингиз рўёбга чиқишига тилакдошимиз, шириндан-шакар болажонлар!



Мазмунан саёз ва енгил-елпи

Бундай қўшиқларга барҳам бериш ҳамон долзарб масала бўлиб қолмоқда. Миллий матбуот марказида «Ўзбекнаво» бирлашмаси томонидан ўтказилган навбатдаги тадбир «Ёш авлоднинг маънавий олами ва уни юксалтиришда миллий эстрада санъатининг ўрни» мавзусига бағишланди.

Таъкид бастакорлар, музикантлар, шоир ва хонандалар иштирок этган мазкур анжуманда миллий эстрада санъатининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти муҳокамаланди.

Мамлакатимизда болалар музика ва санъат мактаблари фаолиятини давр руҳига мос тарзда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган ислохотлар музика таълимининг сифат жиҳатдан юксалтиришда асосий омил бўлаётгани, қўллаб-қувватлаш, санъат фестиваллари янги истеъодларни кашф этаётганига қарама-қарши мазмунан саёз, енгил-елпи қўшиқларга барҳам бериш ҳанузгача кун тартибидagi муҳим масалалардан бири бўлиб қолаётгани алоҳида таъкидланди. Зеро, ёшлар тарбияси, эстетик диди, маънавияти, ахлоқий қарашларининг тўғри шаклланишида миллий эстрадаларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги эътибор қаратилди.

— Айрим хонандаларимиз қўшиқчилик санъати билан шуоин аралаштириб юборишмоқда. Бу эса, ўз навбатида, миллий эстрадаларимиз маънавияти салбий таъсир ўтказаяпти. Энг ачинарлиси, мантисиз куй-қўшиқлар ўсиб келаётган авлодни ҳақиқий санъатдан узоқлаштириб, унинг кадрини туширишдан бошқасига ярамайди, — деди Ёзувчилар уюшмаси расми ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири Мўбөл Мирзо. — Уйлайманки, бундай «санъаткорлик»нинг олди олинмаса, эртага салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Анжуманда эл эъзозидagi санъаткорлар ёшлар оингига акс таъсир этувчи қўшиқлар тарқалишининг олдини олиш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— «Ўзбекнаво» бутун билдирилган тақлиф ва эътирозларни албатта инобатга олади, — дейди мазкур бирлашма бош директори ўринбосари Муроджон Мажидов. — Бу борада мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда тегишли тадбирлар ишлаб чиқамиз. Бунда оммавий ахборот воситалари ходимлари яқиндан амалий кўмак беришади, деган умиддаман.

Шаҳзод АСАТУЛЛАЕВ.

▶ ИЖТИМОЙ РЕКЛАМА

Ҳурматли юртдошлар! МУҲТАРАМ ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Республикамиз аҳолисининг, айниқса, ёш авлоднинг маънавий ва интеллектуал эҳтиёжларини қондиришда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада кенгайтириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан бир қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 2015 йилнинг 28-30 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларида ҳамда Тошкент шаҳридаги Гафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» шиори остида Республика «Китоб байрами» ўтказилади.

Сайл тарзида ташкил этиладиган байрам тадбирларида адабий-бадний, ижтимоий-сиёсий ҳамда энциклопедик йўналишдаги китобларнинг тақдиротлари, «Кексаларни ёзвозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар тарғиботига бағишланган наشرлар намоиши, «Намунавий китоб дўкони» республика кўрик-танловы ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими ҳамда таниқли адиб ва шоирлар билан учрашувлар, совринли викториналар, санъат усталарининг концертлари бўлиб ўтади.

29 май кун «Китоб байрами» доирасида «Китоб — миллатнинг бебаҳо маданият ва маънавий мероси» мавзусидаги III илмий-амалий конференция ҳам ўтказилмоқда. Барча китобсеварларни ағнаваний Республика «Китоб байрами»га тақлиф этамиз!

Маълумот учун телефон: 244-12-61, 244-32-33.

«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Тоҳир МИРҲОДИЕВ нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.
О' zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси партия масъул ходими Қамолдидин Юсуповга онаси Тўғиной БЕҒАЛИЕВ анинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

СЎНГГИ САҲИФА

«ОШИҚЛАР ҚЎЛИДА ЛОЛАДИР КЎНГЛИМ...»

Бу кўхна дунёнинг сиру синоатлари беҳисоб. Инсон юз йил яшаганда ҳам уларни тўла-тўқис англаб етолмайди. Ҳар тонг кўшнинг чарақлаб чиқиши, бутун оламини мунаввар этиши оддий бир ҳол бўлганидек, ҳаётнинг боқийлиги ва абадийлиги ҳам муқаррар. Яшаш бу шунчаки умргузаронлик, дегани эмас. Унинг ўзига яраша «юки», масъулияти ҳам бор

Носир ТОШЕВ,
журналист



Биз кўпинча тоғ ўнгиларидаги сойларнинг шилдираб оқиши, эрта кўкламда она-табиатнинг яшилликка бурканишидан мутаассир бўламузу, улар моҳиятидаги асл ҳикматни тўла-лигича идрок етолмаймиз. Зотан кўн-гилдаги энг покиза туйғулар ҳавас ва ҳайратдан тугилади. Ижод жараёни ҳам худди шундай. Тинимсиз изланиш маҳсули бўлган назмий ва насрий сатрлар муаллифнинг беҳаловат қалби, кўуваи ҳофизаси орқали оқ коғоз саҳифаларига тушади. Кўпчиликнинг маънавий мулкига айланади.

... Яқинда қишлоққа — раҳматли онамнинг йиллик маъракасига борганимда таниш-билишлар, эски қа-

дрдонлар билан гурунглашиб қолдик. Даврада Узоқ бобо, Элмурод бобо каби ёши улғу, нуроний отахонлар билан бир қаторда мактабдош дўстларим, жумладан, Зариф Аҳмедов ҳам бор эди. Умр дегани кўз ёшидек омонат. Эртага тақдир қандай кечилиши ҳеч ким, ҳеч қачон билолмайди. Зарифжоннинг оғир хасталикка учрагани ва узоқ давом этган муолажадан сўнг баҳоли қудрат оёққа турганини эшитган, аммо йўл олислиги боис, вақтида бориб хабар ололмаган эдим. Бир пиёла чой устиди кўнгил сўраб, Яратгандан шифо тиладим. У бўлса, «Қўяверинг!», дедю, мени ҳовлисига бошлади. Аввалига ҳайрон бўлдим. Кўча бошида турарканман, ичкаридан қалингина бир китоб олиб чиқди. Дастхат битиб, менга узатди. Бу Ошиқ Зариф тахаллуси билан чоп этилган адабий-бадий тўплам эди. Қизик, наҳотки уни болалиқда бирга кўча чангитиб юрган, адабиётга мутлақо дахли бўлмаган қишлоқдош дўстининг ўзи ёзган бўлса?

... Тошкентга қайтгач, ўз ташвишларим билан ўралашиб, ҳаммасини унутдим. Гарчанд «Тарози дунё» китоб

жавонимдан муносиб ўрин эгаллаган бўлса-да, анча пайтгача уни варақлашга юрагим бетламади. Даставвал шунчаки ҳавасга қоралangan бўлса керак, деб ўйлагандим. Йўқ, янглишган эканман. Чунки мажмуа саҳифаларидан ўрин олган турли мавзудаги шеърлар, битиклар, ҳикматомуз хулосалар, сочма ва қайдар бадийи талқини, фалсафий мушоҳадаларга бойлиги билан қалбга яқин, уларда муаллифнинг дарду дунёси, ҳаётга онгли муносабати яққол намоён бўлиб турар эди. Аслида З.Аҳмедовнинг шоирлиқка даъвоси йўқ, балки кўнгил майлига бўйсуниб, қалам тебратди. Касб-нори бўйича ер тузувчи (эскичасига айтганда, танобич) муҳандис. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институтини тамомлаб, ушбу соҳада қирқ йилдан зиёдрок хизмат қилган. Ҳозир нафақада бўлса-да, ҳаётдан завқ ва шукроналик туйиб, баҳолу қудрат ижод қилмоқда. Унинг содда, бахшиёна руҳдаги самимий сатрлари ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Ошиқлар қўлида лоладир кўнглим,

Бири кам дунёда ноладир кўнглим,

Тошқудуқ атрофида кечган ёшлигим,

Тарк этмасин мени, боладир кўнглим.

Муаллиф наздида, ҳаёт шундай бир одил тарозики, яхшилиқ ҳам, ёмонлик ҳам унинг тимсолида яққол намоён бўлиб туради. Ноқислиқни кўра-била туриб, ўзини четта олган киши эса чинакам гофил бандадир. Шеърининг осмони кенг, сарҳадлари чексиз. Унда Ватан, муҳаббат, эзгу ва покиза туйғулар яшайди. Ошиқ Зарифнинг битиклари ҳам бундан мустасно эмас. Айниқса, «Бухоромсан», «Яшагим келади», «Тарих ўзи нима?», «Биттадир» каби ўнлаб манзумалари, тўртлик ва фалсафий байтлари кишини ўйлашга, мушоҳада юритишга чорлайди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, филология фанлари номзоди Шодмон Сулаймон китоб сўз бошисиди қайд этганидек, савоб иш ҳеч қачон беқадр бўлмаган, бўлмайди ҳам. Ҳа, шундай. Шофирконлик бахши шоир, o`zLiDeP фаолларидан бири З.Аҳмедов ўз ижодини жамоат ишлари билан қўшиб олиб бормоқда. Ҳақиқилоқларининг яхши-ёмон кунларида ҳамisha елкадош, ўз бурчи, эътиқоди, дўстларига содиқ, хушфёъл ва оқилларвар инсонлар тоифасидан. Гарчи етими ёшни қоралаб қолган бўлса-да, ҳали-ҳануз қаламини қўлдан қўйган эмас. Яратиш иштиёқида тунларни тонгларга улайди. Зеро, ижод — бу тинимсиз меҳнат ва изланиш, демакдир.

ЭЪЛОН



«Асака» банк

ХЎРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси), «Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия) кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш бўйича аризалар қабул қилаётганлигини маълум қилади.

Кредитларни расмийлаштиришнинг асосий шартлари:

Лойиҳалар	Саноат ёки қишлоқ хўжалиги соҳасида экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, кенгайтириш ва/ёки амалдаги ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш.
Қарздор	«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича: Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компаниялар; ўз маҳсулотлари ёки хизматларини Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компанияларга сотувчи ёки Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компанияларнинг маҳсулотлари ва хизматларини сотиб олувчи компаниялар. «Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича: Ўзбекистон Республикаси резидентлари — хусусий кичик корхона, қўшма корхона, акциядорлик жамиятлари.
Кредит мақсади	«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича: Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компаниялар учун: — асбоб-ускуналар сотиб олиш ва ўрнатиш; — стратегик инвестициялар. Корея Республикаси капитали иштирок этмаган компаниялар учун: — асбоб-ускуналар сотиш ва хизматлар кўрсатиш; — асбоб-ускуналар ва хизматларни сотиб олиш. «Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича: импорт асбоб-ускуналар ва технологияларни сотиб олишни молиялаштириш ҳамда ишчи капиталини шакллантириш харажатларини қоплаш.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (+99871) 120-81-77, 120-82-98, 120-82-66, 120-82-29.

«Асака» банк — тадбиркорлик тараққиётининг мустақкам таянчи!

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган.

АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзстандарт» агентлигининг «Республика синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси ички бозоримизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган ва экспортга йўналтирилган маҳсулотларнинг дунё бозорида рақобатбардошлигини таъминлашда уларга яқин ҳамкор эканини билдиради.

Сиз «Республика синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси ҳамда вилоятларда жойлашган ҳудудий синов ва сертификатлаштириш марказларига мурожаат қилиб, корхонангизда тайёрланган ёки импорт маҳсулотларга мувофиқлик сертификати олишингиз мумкин. Корхонангизда ISO 9001 — халқаро «Сифатни бошқариш тизими»ни жорий этишингизда малакали мутахассисларимиз яқиндан ёрдам беради.

Шунингдек, хонадонингиз, корхонангиздаги ўлчов воситаларини давлат қиёсовидан тез ва соз ўтказишда ҳам мутахассисларимиз яқин кўмакчи бўлишади.

Муҳтарам тадбиркор ва ишбилармонлар, азиз қурдошлар! Сиз «Ўзстандарт» агентлигининг +99871 150-23-00 ва «Республика синов ва сертификатлаштириш маркази» Давлат корхонасининг (+99871) 150-63-48 рақамли «ишонч телефони»га кўнгирок қилиб, ўзингизни қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишингиз мумкин. Сизнинг мурожаатингиз эътиборсиз қолмайди. Чунки биз Сизнинг хизматингиздамыз!

Манзилимиз: 100049, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 333 «А»-уй.
Телефонларимиз: (+99871) 150-63-53, факс: + 99871 150-19-16.
e-mail: sertcenter@standart.uz info@rssm.uz
Хизматлар лицензияланган

«Республика синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси.

ТАДБИРКОРГА МАДАДКОРМИЗ!

«Андижон синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси мамлакатимиз ички бозорини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, республикамиз, жумладан андижонлик ишбилармонлар томонидан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг экспорт ҳажмини оширишда тадбиркорларга доимо ҳамкор эканини билдиради.

Марказимизга мурожаат қилиб, корхонангизда ишлаб чиқарилаётган ёки импорт маҳсулотларга мувофиқлик сертификати олишингиз мумкин.

Корхонангизда дунё тан олган ISO 9001 — халқаро «Сифатни бошқариш тизими»ни жорий этишингизда марказнинг малакали мутахассислари яқин маслаҳатчи ва кўмакчи бўлишади.

Хонадонингиз, корхонангизда мавжуд бўлган ўлчов воситаларини давлат қиёсовидан тез ва сифатли ўтказишда ҳам мутахассисларимиз ёрдам беришади.

Азиз тадбиркор ва ишбилармонлар, муҳтарам истеъмолчилар! Сиз «Андижон синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонасининг (+99874) 222-21-39 рақамли «ишонч телефони»га кўнгирок қилиб, ўзингизни қизиқтирган саволлар ёки айрим муаммолар юзасидан мурожаат қилишингиз мумкин. Сизнинг мурожаатингиз марказимиз мутахассислари томонидан эътиборсиз қолмайди. Чунки биз Сизнинг хизматингиздамыз!

Манзилимиз: Андижон шаҳри, Фитрат кўчаси, 251-уй.
Телефонларимиз: (+99874) 225-16-97, 222-17-54.
e-mail: andijonssm@rssm.uz
Хизматлар лицензияланган.

«Андижон синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси.

РЕКЛАМА




ROYAL STEEL

Металлочерепица и профнастил

ВСЕ ДЛЯ ВАШЕЙ КРЫШИ





Аксессуары



Для производства профнастила и металлочерепицы используется только качественное сырьё известных фирм Южной Кореи и России. Нашим Клиентам мы предлагаем гибкую систему скидок и высокую скорость обслуживания. Для постоянных клиентов созданы специальные условия.

Производство в Ташкенте
Тел.: (+99871) 272-17-02, (+99897) 703-72-72
Адрес: Учтепа-26, ул. Мақсуда Шейхзады, дом 1 (ориентир — завод «АКФА»)



www.royalsteel.uz
Товар сертифицирован.

ЗАЗ FORZA

Автомобили для жизни!





Автосалон в Ташкенте
Тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насыра, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)



www.sardor-avto.uz
Товар сертифицирован.